

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

МАХМУДОВА НОЗИМАХОН БАХРИДДИНХОНОВНА

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ШАРОИТЛАРИДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ
МОЛИЯЛАШ МАНБАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5A111001 – КАСБ ТАЪЛИМИ (МОЛИЯ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц А.Юлдашев

Наманган-2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳалар харажатларининг моҳияти ва уларнинг шаклланиши	
1. Ижтимоий соҳалар харажатларининг назарий асослари.....	7
2. Ижтимоий соҳалар тараққиётининг молиявий муаммолари.....	21
3. Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида ижтимоий соҳа харажатларининг шаклланиши.....	36
II боб. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳаларни молиялаштиришни амалий таҳлили	
1. Давлат бюджети харажатлари тизимида ижтимоий соҳа харажатларининг тутган ўрни ва аҳамияти таҳлили.....	46
2. Давлат бюджети ижтимоий соҳалар харажатларини таркиби ва уларни молиялаштириш хусусиятлари таҳлили.....	55
3. Ижтимоий соҳа харажатлари таркибида халқ таълими учун қилинадиган харажатлар таҳлили.....	66
III боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳани молиялаш манбаларини такомиллаштириш	
1. Бюджетдан молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш шароитида ижтимоий соҳалар тараққиёти хусусиятлари.....	91
2. Ижтимоий соҳани ривожлантиришда маҳаллий бюджет ролини оширишни такомиллаштириш.....	107
Хулоса.....	119
Адабиётлар рўйхати.....	125

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги бир неча йил давомида мамлакатимиз Давлат бюджетидан қилинадиган ҳаражатлар ўз масштаби ёки қўламининг капиталлиги билан ажралиб туради. Бу ҳаражатларнинг умумий ҳажми (давлат мақсадли фондларнинг маблағларисиз) 10,9 триллион сўмдан ортиб, уларнинг асосий қисми, қарийб 59,4 фоизига яқин ижтимоий соҳалар ижтимоий соҳага йўналтирилди¹.

Албатта бундан катта қўламдаги ҳаражатларнинг мамлакатимиз давлат бюджетидан сарф қилиниши шу миқдордаги маблағларнинг унда бўлишини тақозо этади. Ўз навбатида сўнгги вазифани солиқларсиз бажарилишининг иложи йўқ. Бир вақтнинг ўзида мамлакатимиз давлат бюджетида кўзда тутилган ҳаражатларни молиялаштириш учун тегишли маблағлар солиқлар ёрдамида унда аккумуляция қилинар экан, бу жараёнда солиқларни роли муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда бир тамондан солиқ тўловчилари, иккинчи тамондан давлат бюджети манфаатларига оқилона мос келадиган тарзда бюджет ҳаражатларини ижтимоий соҳа учун оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек «Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаоллигини рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатига ўтказиш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда».²

Бу фикрлардан келиб чиқиб дастлабки хулоса солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлигидир. Молиявий сиёсатнинг ҳаётга тадбиқ этилиши кўп жиҳатдан давлатнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи газетаси 2014 йил 19 январ

² Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон 1996. Б.349

бўлади, чунки молиявий сиёсат давлатнинг функция ва вазифаларини бажаришда хизмат этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, магистрлик диссертациясининг мавзуси мамлакатини модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ишларини кучайтириш долзарб мавзу ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганиш даражаси. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ишларини кучайтириш масалаларини тадқиқ қилиш кўплаб иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб, уларнинг орасида О.Қ.Абдурахмонов, М.И.Мардонов, К.Т.Бозоров, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Тадоев, Т.С.Маликов, О.О.Олимжанов, Б.Э.Тошмуродова, Қ.А.Яҳёев, Н.Р.Қўзиева ва Н.Ҳ.Ҳайдаровларнинг илмий изланишларида алоҳида эътиборга лойиқ.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ишларини кучайтиришини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- ижтимоий соҳани назариясини шакллантириш ва ривожланиш хусусиятларини ягона тизимга келтириш;
- мамлакатини модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ишлар ва уларга хос бўлган умумий тенденцияларни аниқлаш;
- ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ишларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ижтимоий соҳа объектлари, Наманган вилоят ва Наманган шаҳар ижтимоий – иқтисодий органлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети ижтимоий соҳа объектлари ва ободонлаштиришишлари билан бюджет ўртасидаги вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методларини гуруҳлаш, кузатиш, статистик ва иқтисодий таҳлил, мантикий таснифлаш ва тизимли ёндошувларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳозирги шароитда ижтимоий соҳани объектларини молиялашни такомиллаштиришга қаратилган тлмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади:

- ижтимоий соҳани назариясини шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини ифодаловчи муаллифлик таърифи берилди ва асосланди;
- мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтиришни таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган тенденциялар, мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари аниқланди

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳмияти Республикамиздаги ижтимоий соҳа объектлари ва ободонлаштириш ишларини такомиллаштиришга уларни жорий этишнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва тавсиялар «Молия», «Давлат бюджети» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва иқтисодий йўналишлардаги олий ўқув юртларида ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибида кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳа харажатларнинг моҳияти ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари ёритиб берилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳаларни молиялаштиришни амалий таҳлили берилган.

Учинчи бобда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳаларини молиялаш манбаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

I боб. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳалар харажатларининг моҳияти ва уларнинг шаклланиши

1. Ижтимоий соҳалар харажатларининг назарий асослари

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида бозор иқтисодиётнинг туб белгилари илмий изоҳланган ҳолда, уларни шакллантириш йўллари ёритиб берилган. Концепцияда аҳолининг кенг қатламларини, энг аввало унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур деб қаралади. Бизнинг ресиубликамизда ижтимоий ҳимоялаш муаммоларни ҳал этишда Шарқда минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ йўл тўтилади.

Соҳибқирон «Амир Темур тузуклари»да шариат қонунларига риоя қилиш асосида давлатни идора қилишнинг 12 тамойили берилган, жумладан фуқароларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, тинчликни ва осойишталикни, ободончиликни авж олдириш Амир Темур давлатининг бош хусусияти бўлган. Амир Темур таъкидлаганидек, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, миллатнин дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир³.

Бу ижтимоий сиёсатнинг бизнинг республикамизда алоҳида аҳамиятга эгаллиги фақат иқтисодий вазиятларгагина боғлиқ эмас, балки соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида, кўп болали ўзбек оиласига мадад бериш ҳақидаги ғамхўрлик ҳам, халқнинг маънавий қадриятларига асосланган ҳолда кексаларга, ҳимоясизларга, анъанавий ёрдам бериш эҳтиёжи билан боғлиқдир.

Иқтисодий фанда ва амалиётда ижтимоий соҳалар моҳиятига нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Шу сабабли бу воситалар турли давлатларда ўзига хос тарзда турли шаклда фойдаланилади. Назарий поғоналарда «инсоният

³ Темур тузуклари. Т.: Адолат, 2010. 141-б.

тараққиёти» концепцияси пайдо бўлиши билан ҳаёт ва камбағаллик даражаларини тадқиқ қилиш бошланди. Камбағалликка, саводсизликка, ишсизликка қарши курашга оид махсус бандлик схемалари ва воситалари ишлаб чиқилди, ижтимоий инвестиция жамғармалари пайдо бўлди, аҳолини иш билан таъминлаш масаласига эътибор кучайди.

«Инсоният тараққиёти» концепциясининг моҳияти шундаки, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи «ижтимоий тараққиёт» ва «иқтисодий тараққиёт» тушунчаларининг йиғиндисидир. Фойдани тақсимлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар билан уйғунлашган ҳолда ночор кишилар аҳолини бевосита яхшилашга эътибор, айниқса, кучайди. Халқаро меҳнат ташкилоти раҳбарлигида, бутун дунё миқёсида меҳнат билан бандлик, аҳолини озиқ-овқат, турар жой, кийим-кечак билан таъминлаш, таълимга ва соғлиқни сақлашга бўлган эҳтиёжларни қондиришга аниқ режа асосида ёрдам кўрсатишга киришилди. ЮНИСЕФ ташкилотининг «инсон қиёфасидаги ислоҳот» докладининг чоп этилиши яқинлашиб келаётган ўзгаришларнинг дастлабкиси бўлди. БМТнинг 1988 йилда чоп этилган тараққиётни режалаштириш комиссиясининг докладида эса инсоният фаровонлиги соҳасидаги ютуқлардан далиллар келтирилди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган тушунчаси амал қилади. Бунда моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан ташқари, аҳолига хизматлар кўрсатувчи соҳалар ҳам киради. Шу сабабли бозор иқтисоди мамлакатларида яратилган ижтимоий маҳсулот таркибига товарлар ҳам, хизматлар ҳам киради. Миллий даромадда эса товарларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобга олинади.

Макроиқтисодий ривожланишнинг қонуниятларидан бири-иқтисодиёт тараққиёти давомида ялпи ишлаб чиқариш ва банд аҳоли миқдорида хизмат кўрсатиш соҳаси салмоғининг ортиб боришидир. Ҳозир жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бу тенденция янада ривожланиш кўринишига

кирди. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланиб, у жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар бир ыанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Биз ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар деганда, «кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истёмолат этилиши зарур маҳсулот ва хизматлар мажмуи»ни тушунамиз. Эҳтиёждаги таркибий ўзгаришларга хос қонуният - бу саноат маҳсулотларига, фан-техника ривожига яратган янги маҳсулотларга ва ниҳоят, турли хизматларга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсишидир.

Ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган иқтисодий ўзгаришлар, бу соҳаларни молиявий таъминлашни такомиллаштириш муваффақияти кўп жиҳатдан ижтимоий қафолатлар қандай ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Чунончи, ижтимоий соҳаларнинг умумжамоатчилик мақоми унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимидаги роли билан боғлиқ ҳолда қайта кўриб чиқилади, бу соҳалар ходимлари меҳнати хусусиятининг иқтисодий баҳолалишини белгилаб олинади. Ижтимоий-маданий муассасалар фаолиятининг натижаларини баҳолашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилади. Олдинга қўйилган вазифанинг бажарилишигина ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, молиявий таъминлаш манбаларини белгилаб олиш, шунингдек, ижтимоий соҳаларга давлат томонидан ажратилаётган молиявий захиралар миқдорини илмий асослаб бериш имконини яратади.

Иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзига хос хусусияти алоҳида олиб ажратилмайди ва бунда ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги каби жараёнлар кечади, деб ҳисобланади. Амалда улар хизмат кўрсатиш соҳасига моддий бойлик ишлаб чиқариш хусусиятини, жумладан, қиймат даражасини кўчириб ўтказиб қўйишмоқда. Ушбу концепция тарафдорлари маҳсулот фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасидагина яратилади ва фақат угина товар ишлаб чиқарувчи

сифатида намоён бўлади, деган қоидага қарши чиқишмоқда.

Уларнинг фикрича, хизмат соҳасида ҳам худди моддий соҳадаги каби қиймат ва истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулотлар яратилади. Шундан келиб чиқиб турли соҳада банд бўлган ходимлар меҳнати иқтисодий табиатини умумлаштирилмоқда ва хизмат соҳасидага ходимлар ҳам ўз меҳнати билан янгидан қиймат яратишда, шу билан миллий даромад бунёд этилишида қатнашадилар, деб ҳисоблашмоқда. Бундай ёндашув моддий ва хизмат соҳаларнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш умумий тизимидаги роли бир даражада эканлигини билдиради.

Мазкур концепцияни танқид қилиб, иқтисодчиларнинг бир гуруҳи (А. Бирман, Б. Поляк, С. Александров ва бошқалар) таъкидлашадики, хизмат соҳасида қиймат яратилмайди, фақат номоддий бойлик - хизмат яратилади, у ўз навбатида фақат истеъмол қийматига эга бўла олади. Ушбу йўналиш тарафдорлари шундай бир қоидадан келиб чиқадиларки, бунга биноан ишлаб чиқариш соҳаси моддий ишлаб чиқариш маҳсулотини тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилишда иштирок этиш йўли билангина ишлаб чиқариш муносабатларининг бирон соҳаси бўла олади.

Бунда ҳам у ўз шаклига кўрагина моддий ишлаб чиқариш маҳсулотининг ишлаб чиқариш соҳасига силжиши муносабати билан кўчириб ўтказилган ишлаб чиқариш муносабатидир, чунки ушбу концепцияга кўра жамоатчилик ишлаб чиқариши жамоат маҳсулоти яратувчи кишилар аниқ мақсадли фаолиятининг моддий жараёни сифатида қараб чиқилади.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган концепциялардаги асосий фарқ хизмат соҳасининг, шу жумладан, соғлиқни сақлашнинг жамоат яратувчилиги тизимидаги ўрни ва ролини қандай баҳолашдан иборатдир.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолият натижаларини баҳолашда чет эл ва ўзбек иқтисодий адабиётларида учраётган турлича ёндашувлар мавжуд бўлишига қарамай, асл воқеаликда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ўрнини фақат истеъмол соҳаси билан чегаралаб қўювчи

концепция устунлик қилиб келди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни таъкидламоқчимизки, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш борасидаги ислохотлар, энг аввало, ушбу соҳаларнинг жамият яратувчилиқ тизимидаги ўрни ва ролини назарий жиҳатдан тўғри англашни таъминламоғи лозим. Шуни тан олиш керакки, ижтимоий соҳалар ўрнини истеъмол соҳаси билан, чегаралаб қўйиш ва унга фақат ижтимоий вазифаларни юклаш ҳозир юзага келаётган жамият ҳаётий фаолияти шароитларига ва соҳанинг иқтисодий тизимдаги асл ролига зид кслади.

Ижтимоий соҳалар соф ҳолдаги ижтимоий вазифалардан ташқари, хизмат сифатини юксалтириш, иқтисодий ўсиш суръати билан боғлиқ иқтисодий вазифаларни ҳам ҳал этади, жамият меҳнат имконияти шакллантирилишига кўмак беради, чунки фан-техника тараққиёти даврида жамият ҳаётий фаолияти ва, энг аввало, ишлаб чиқариш шарт-шароитлари янгиланиб бораётган бир вазиятда ижтимоий соҳалар тараққиёти аҳоли турмуш тарзи ўсишининг муҳим шартига айланиб қоладиган йўналишдан бормокда.

Иқтисодий адабиётларда асосий, айланма капитал инвестицияси масаласига, инвестициялар турлари берадиган самарага катта эътибор билан қаралади. Айни вақтда, саломатликнинг иқтисодий жамғармаси, инсон капиталига инвестиция, «соғлом турмуш тарзи-иқтисодий ўсиш гарови» каби тушунчалар етарли равишда чуқур ўрганилмаган. Ушбу масалаларнинг маълум даражада ишлаб чиқилмагашгаги ижтимоий соҳалар фойдасига молиявий устуворликни кўриб чиқишни мураккаблаштирмокда.

Ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётган молиявий маблағлар миқдори оддий такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар қопланишини таъминлаши зарур. Мутахассислар ҳисобига кўра, ишлаб чиқариш кучларини тиклаб турилишини таъминлаш учун биргина соғлиқни сақлаш мақсадларига ҳозирги шароитда ялпи ички маҳсулотнинг камида 6% ни ажратиб туриш

талаб этилади.

Хориж олимларининг фикрига караганда, «инсон капитали»га инвестиция нафақат зарурий омил ҳисобланади, балки инвестициянинг ушбу тури ўта юқори даражадаги даромадга ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи кенг имкониятга ҳам эгадир. Америкалик мутахассисларнинг ҳисобига караганда, инсоннинг 15 ёшгача вафот этиши жамият учун бутун зарардир, 40 ёшгача яшаган инсон жамиятга фойда келтира бошлайди, 65 ёшгача яшаган киши (агар меҳнат қобилиятини сақлаб қолса) икки баравар фойда келтиради.

Шундай қилиб, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни тежаб қолиш жамиятга келгусида катта зарардирки, бу ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад камайишига олиб келади. Инсон капиталига инвестиция муаммоси нафақат умумиқтисодий самарадорлик нуқтаи-назаридан долзарб бўлибгина қолмасдан, балки ижтимоий соҳаларга молиявий қўйилмаларнинг сезиларли даражада ўсиши иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигидан далолат беради ва натижада, иқтисодий ўсишнинг сифатини ҳам белгилаб туради.

Ҳозирги шароитда иқтисодий ривожланишнинг натижаларини қайта баҳолашни амалга ошириш муҳимдир. Иқтисодий ривожланиш сифатини белгилашнинг муҳим мезонларидан бири сифатида аҳоли турмуш тарзи ва ижтимоий соҳалар тараққиёти майдонга чиқиши керак. Бундан ташқари, ижтимоий соҳалар тараққиётига бўлган эҳтиёжни алоҳида бир шахс муносабати билан эмас, бутун жамият нуқтаи-назаридан қараб чиқиш зарур.

Иқтисодий натижани баҳолашга мана шундай ёндашув, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш зарурияти ва жамият ижтимоий фаровонлиги ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликни енгиб ўтиш, бинобарин, иқтисодий ресурслардан фойдаланишда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳа ҳиссасини ҳаққонийроқ белгилаш имконини беради.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси таркибига уй-жой, коммунал хизмат, аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа, соғлиқни сақлаш, маориф, жисмоний

тарбия, ижтимоий таъминот, маданият, фан ва бошқалар киради. Моддий ишлаб чиқаришсиз ривожланган тиббий хизматни, халқ таълимини ва маданиятни тасаввур этиш қийин бўлганидек, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш негизи моддий ишлаб чиқариш тармоқларида жойлашган.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжини шу неъматлар билан қондирилиш даражаси сифатида аниқланади. Шунга кўра аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш мумкин (1-чизмага қаранг).

1-чизма

Аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи ва аҳоли турмуш даражасини белгиловчи омиллар тизими



Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити,

таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Агарда илгари аҳолининг моддий таъминланганлигининг миқдорий кўрсаткичларига - аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад озиқ-овқат маҳсулотлари, турар жой истеъмолига эътибор берилган бўлса, ҳозирда биринчи ўринда умр кўриш даражаси, болалар ўлими, ишсизлик даражаси, даромадлар тенгсизлиги, таълим даражаси, атроф-муҳитнинг ҳолати ва бошқа шу каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

Хизматларга бўлган мавжуд талабни баҳолаганда, Ўзбекистонда унинг маълум даражада чегараланганлигини таъкидлаш зарур. Бу аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳозирча юқори эмаслигига бевосита боғлиқ. «Бу кўрсаткич 90-йиллар бошларида ривожланган мамлакатларда 12-20 минг долларни ташкил этса, бизнинг республикамызда фақатгина 1500 сўмни ташкил этади». Ривожланган мамлакатларда 1996 йил маълумотларига қараганда ЯИМ Швейцарияда 44350 долларни, АҚШда 28020 долларни, Германияда 28870 долларни, Швецияда 25710 долларни ташкил этса, Ўзбекистонда 1010 долларни ташкил этади. ЯИМнинг пастроқ даражаси ўз навбатида ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини, иқтисодиётни келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятларини қисқаришини, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламларини иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатади.

Бир-бирини инкор этувчи қарашларнинг мавжудлиги аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳани, жумладан, ижтимоий соҳаларни, айнан инсон омилига эътибор бериш тўғрисида турлича баҳс-мунозараларни юзага келтирди.

Теодор Шульц иқтисодиётга ишлаб чиқариш омили сифатида табиий капитал ва жисмоний капитал сингари муҳим бўлган «инсоний капитал» тушунчаси билан кирди, бу оддий концепция жуда муҳим бўлиб чиқди. Теодор Шульцгача «инсоний капитал»га қўйилган инвестициялар етарли даражада даромад бермайди, қисман таълимга сарфланган харажатлар «унумсиз», деб ҳисобланди. У «табиий капитални инвестициялаш қандай

юқори бўлса, инсон ресурсларига бўлган инвестициялар ҳам шунча юқори бўлиши керак» -деб таъкидлайди.

Теодор Шульц махсулот ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигини ва аҳоли фаровонлигини ошириш қайси сарф-харажатлар ҳисобига рўёбга чиқишини қайта кўриб чиқиш кераклигини аниқлаш вазифасини бажарди ва шу билан бирга бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва тўла ўрта маълумот, расмий ва норасмий таълим, озиқ-овқат дастурлари, тиббий хизмат, аёллар ва болалар соғлиғини сақлашга доир тадқиқотлар олиб бориш учун сарфланадиган харажатларни, улардан олинадиган даромадларни ҳисоблаб чиқди.

Швед иқтисодчиларидан бири К. Эклунд «инвестиция тушунчаси таркибига таълим ва илмий текширишдаги харажатларни ҳам қўшиш керак», деган фикрни илгари суради. Шу мазмунда К. Эклунд бу харажатлар «инсоний капитал» даги «жами инвестицияни англатади ва шунингдек, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади» деб таъкидлаган ҳолда, интеллектуал инвестиция аҳамиятини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон омилига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. «Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, одатда, табиий ва жисмоний ресурслар иқтисодий ўсишнинг 40 фоизинигина таъминлашга қодир экан. Иқтисодий ўсишнинг қолган 60 фоизини инсоний омиллар таъминлар экан. Шунинг учун инсоний омиллар - иш кучини малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, таълим, тадқиқот ишлари учун сарф-харажатлар иқтисодий ўсишнинг асосий манбаларига айланмоқда».

Инглиз банкирларидан бири Макнамаранинг таъкидлашича, Буюк Британияда 80000-90000 банкирни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун 30-40 млрд. фунт стерлинг сарфланади. Бу харажатлар ўзини оқлаши, ходимларнинг касбий даражаси ошиши, уларнинг меҳнати юксак даражада ишлатилиши мумкин экан.

Таниқли ҳинд иқтисодчиси Амарта Сен «кишиларнинг яхши ҳаёт кечиришлари учун уларнинг имкониятларини кенгайтириш ксрак» - деган ғояни илгари суради. «Аҳоли жон бошига махсулотнинг катта қисми тушиши

кишилар имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериши мумкин. Пировард мақсад оралик даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки кишиларнинг узок яшаб, мустаҳкам соғлиққа, замонавий билим ва ахборотга эга бўлиши, озиқ-овқат, кийим-кесач ва турар-жой сотиб олиш учун старли маблағи бўлиши, уларнинг жамият ҳаётига таъсир этувчи қарорларни қабул қилишда иштирок этишдан иборат. Ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш билан бирга кишиларнинг шу имкониятларни кенгайтирилиши тараққиёт стратегиясининг мақсади бўлиши зарур» деган фикрни билдиради.

Бу фикрга қарама-қарши Роберт Мальтуснинг фикрича, геометрик прогрессия асосида кўпайиб боровчи аҳолининг талаб эҳтиёжларини арифметик прогрессия асосида ўсиб боровчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг иложи йўқ. У аҳолининг камбағал қатламларига ёрдам пули тўлаш ҳамда уларга турар-жой куриб беришга қаратилган қонунлар қабул қилинишига қарши чиқди.

Зотан, А. Смитнинг нуқтаи назаридан ҳам ишлаб чиқариш неъматлари миқдори инсон меҳнатининг ишлаб чиқаришдаги бошқа омиллар билан бирлашуви сифати билан белгиланади. Бундай бирлашув қанчалик самарали бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва милнат бойлиги шунча кўп бўлади. Унинг фикрига кўра, «Миллатнинг ер ва меҳнатидан келадиган йиллик маҳсулот қийматини унинг унумли ишлаб чиқариш билан машғул ходимларисиз ёки меҳнатни енгиллаштирадиган ва унинг сарфини камайтирадиган машина ва қурол-аслаҳаларга қўшимчалар киритиш ёки яхшилаш натижасида банд бўлган ходимларсиз-яъни ишлаб чиқариш кучларисиз, ёхуд меҳнатнинг тўғри таксимотисю кўпайтириб бўлмайди».

Шу фикрга иқтисодчи-социологлариимиздан Қ. Абдурахмонов қўшиладилар, «кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш учун сарфланган маблағ меҳнат бозорида ишчи кучи қийматини ошириш ва корхоналарнинг товар ҳамда хизмат кўрсатиш бозоридаги фаолиятини яхшилаш орқали қопланади».

Уларнинг фикрига кўра, таълимга, малака оширишга, инсон капиталига

қилинган инвестициялар - машина ва ускуналарга қилинган инвестициялар кабидир. Баҳо мувозанати моделига кўра индивид, токи бу қўйишшаларга фойда нормаси пасаймагунга қадар «малакага инвестиция» келаверади.

Бозор иқтисодиётига доир адабиётларда учрайдиган «ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясининг асосчиларидан француз олими Ж.Б.Сейнинг ғояларига ва америкалик иқтисодчи олим Ж.Б.Кларкнинг «қўшилган омил (ишчи) унумдорлиги» концепцияси ғояларига асосланган иқтисодчимиз Ш. Шодмоновнинг фикрига кўра, капитал, ер, ишчи кучининг ҳар уччаласи товар ва хизматнинг нафлигини яратишда қатнашади. Яратилган нафлилик миқдори билан уч омилнинг миқдори ва унумдорлиги ўртасида боғлиқлик мавжудлиги, агар бу уч омил бир-бирига мос равишда миқдор ва сифат жиҳатидан ошса, товарлар ва хизматлар ҳажми кўпаяди.

Кейнсчилар хулосалари бўйича, иқтисодиётда мувозанатларнинг бузилиши хўжаликни издан чиқаради. Давлат ўзининг иқтисодиётга аралашувидан иборат фаолияти орқали мувозанатларни тиклашда қатнашади, бу билан иқтисодиётни тартиблаш, унинг ўсишига ёрдам беради. Ж.М.Кейнс «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» китобида давлат ижтимоий ишларни амалга оширишни молиявий таъминласа, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ишчилар бир оз даромад олади, бу ҳол талабнинг кўпайишига, амалий фаолликнинг тикланишига, жонланишига ва тўлиқ иш билан таъминланишга имкон яратилади. Кимдир умумий талабни кўпайтириш чораларини кўрмаса, ишсизлик узоқ вақт давом этиши мумкин дсб тушунтиради. Кейнсчилар назариясига амал қилиш туфайли Ғарб мамлакатларида ишсизлар сони қисқартирилди, уларнинг ҳиссаси 3-6 фоизга келтиришга эришилди. Аммо, инфляцияни жиловлаб бўлмади. Айти пайтда, монетаристлар назариясига биноан, инфляция суръатларини сўндиришга эришилди, у нормал ҳолга келиб, иқтисодий фаолликни оширишга ёрдам берди. Аммо, ишсизлик ортиб бориб, ўткир ижтимоий муаммога айланди, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самараси пасайди.

Пол Самуэлсон «давлат хусусий тадбиркорлар кириша олмайдиган ёки

киришишни хоҳламайдиган айрим товарларни ишлаб чиқаришни ва хизматларни кўрсатишни ўз зиммасига олиши керак» деган хулосага келди. У давлатнинг уй-жой қурилиши дастурларини молиялаштиришини ва озиқ-овқат ёрдамини қашшоқликни камайтириш усули сифатида қўллаб-қувватлайди.

П. Самуэлсон энг кам иш ҳақи тўғрисидаги қонун даромадлар пиллапоясининг энг пастига турган ишчиларга ёрдам бериш усули деб ҳисоблаган бир вақтда, Милтон Фридман «бу қонунлар ёрдам беришга ҳаракат қилиб, аксинча, ишсизликни кўпайтирмоқда, одамларга зарар келтирмоқда», - деб ҳисоблайди. У шундай тушунтиради: энг кам иш ҳақи тўғрисидаги қонун иш кучининг қиймагини ошириш билан кўпгина фирмалар учун кам ҳақ тўланадиган ишчиларни сақлаб туришни фойдасиз қилиб қўяди. Натижада бошқа шароитларда ишда қолиши мумкин бўлган ишчиларни бўшатиб юборишади. Камбағаллар ўз муаммоларини давлатнинг аралашувисиз ҳал қилишлари учун уларга қўшимча даромад таъминлаб беришни афзал кўради.

М. Фридман бу ғояни ривожлантирди, «тескари солиқлар» жорий этишни таклиф қилди. Солиқларнинг прогрессив шкаласи даромад ўсиб борган сари солиқлар ҳам ўсишини тақозо этади. Унинг фикрича, «тескари» солиқ белгиланган минимумдан кам даромад олувчилар учун тўловларнинг камайиб боровчи шкаласини англатади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда номоддий ишлаб чиқариш соҳасига қўйиладиган инвестициялар ўзининг юқори самарасини бермоқдаки, бу мамлакатнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш учун йўналтирилган капитал қўйилмалари ҳисобланади. Бу давлатларда кадрлар тайёрлаш, илмий текшириш ва таълим соҳасига қилинадиган харажатлар йил сайин ошиб бормоқда. Бунга сабаб интеллектуал потенциал-ишлаб чиқаришнинг энг фаол элементи бўлиб бормоқда.

Дунёдаги барча болаларнинг бошланғич таълим олиши, ҳамда савод

ўрганиши учун қўшимча тарзда маориф бўйича 7 млрд. доллар ҳажмидаги инвестицияни йўналтириши лозим бўлади. Дунё бўйича таълим учун йилига 80 млрд. доллар маблағ сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ни жорий этишда давлат бюджетидан қўшимча сарф-харажатларнинг ўзига 1997-1999 йилларда 65000,0 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислохотларининг ўзига хос жиҳати уларнинг инсон тараққиётига қаратилганлигидир. Ҳозирги шароитдаги таълим мажмуини, кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқариш, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч инсонни тараққий қилдириш, унинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришларга доимий мослашувиини таъминлашни амалга оширишга имкон беради.

Ўтиш даври дастлабки босқичининг молиявий оқибатлари таълим тизимини ривожлантиришга ҳали ҳам таъсир кўрсатмоқда, янги молиявий манбалар излаш, мавжуд маблағлардан унумли фойдаланиш зарурияти доимо долзарб масала бўлиб қолади.

Мазкур концепцияда Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимни маблағ билан таъминлашнинг турли йўллари таклиф этилган, таълимда ўтказилаётган ислохотларни молиявий таъминлаш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш ҳам назарда тутилган. Бу йўналишда харажатларни бюджет корхоналари ва ташкилотлари, талабапар ва уларнинг ҳомийлари ўртасида тақсимлаш бўйича қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Таълим кредитлари олиш ва уларни қайтариш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ва истеъдодли ёшларга имтиёзлар беришнинг самарали тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш

тўғрисида»ги қарори асосида таълим кредитлари бериш 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилди.

Мазкур дастурни амалга оширишнинг заминида ижтимоий ҳимояни кафолатлаш масаласини ечиш, олий таълимни бутун чоралар билан такомиллаштириш, мазкур тизимни янги тарихий шароитларда янгича талаблар асосида қайта қуроллантириш вазифаси кўндаланг қўйилмоқда. Буларнинг барчаси таълим тизимида кескин бурилиш яшаш, келажакда мамлакатни кучли билимдон кадрлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Ўзбекистонда юқори малакали бошқарув ходимлари, техника соҳасидаги мутахассислар, оммавий ишчи касбларга тайёрлаш бўйича кенг кўламли инвестиция дастурлари молиялаштирилмоқда. Давлат бюджети маблағларининг 40 фоиздан ортиғи 2003 йилда ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун йўналтирилди. 2004 йил давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири-ижтимоий харажатлар юқори улушининг сақланиб қолинишидир. Бу зарурият меҳнатга лаёқатсиз аҳоли улушининг юқорилигидан келиб чиқади, ваҳоланки, Республикамиздаги аҳолининг ярми 17 ёшга етмаган болалардир.

Ижтимоий-маданий тадбирларнинг муҳимларидан бири-таълим соҳасини ривожлантиришдирки, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қўйган истиқболли режалар таълим харажатлари ўсишини хусусиятлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда, лекин ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти омиллари қаторида ижтимоий соҳалар тараққиётини эътибордан четда қолдириш кучини йўқотишларга олиб

келади. Моддий ишлаб чиқариш натижаларини баҳолаш тизимини ижтимоий соҳалар тараққиёти, ижтимоий кафолатлар бажарилиши натижалари баҳоси билан тўлдириб бориш керак.

Миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот ҳисоб-китобларида ижтимоий соҳалар моддий харажатларини эмас, балки ушбу соҳа фаолияти натижаларини маълум бир хизмат сифатида ҳисобга олиш зарур. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, амалда аҳоли ушбу харажатларни бевосита истеъмол қилмайди, балки бу соҳаларнинг аниқ бир хизматларидан фойдаланади.

Ижтимоий соҳалар харажатларининг назарий асосларини ўрганиб чиққан ҳолда, уларнинг тараққиётидаги молиявий муаммоларни ишнинг навбатдаги бўлимларида кўриб чиқамиз, чунки назарий жиҳатидан тўғри асосланмаган шароитда ўзига хос молиявий муаммолар вужудга келади.

2. Ижтимоий соҳалар тараққиётининг молиявий муаммолари

Давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши мумкин, лекин у молиявий жиҳатидан мустақилликка эриша олмаса бундай сиёсий мустақиллик шу мамлакат халқининг озодликдан кутган фаровон турмуш ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқара олмайди.

Дарҳақиқат, миллий даромадни қайта тақсимлаш давлат қўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Швеция, Германия, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уни кафолатлашнинг кучли таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётини, собитқадамлик билан ўтишини таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислох қилиш мумкин.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг натижалари бозор иқтисодиётида давлатнинг роли хусусида одатдаги қарашлар ўзгаришига ҳам

таъсир қилди. Халқаро Валюта Жамғармасининг ижрочи директори Мишель Комдессю Халқаро Валюта Жамғармаси билан Жаҳон банкининг янги концепциясини эълон қилди. Бу концепциянинг моҳияти давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигидан иборат либерал принципга асосланган монетаризмга қатъий содиқликдан аста-секин воз кечишдан иборат. Халқаро молия муассасаларининг янги ёндашуви давлатнинг хўжалик самарадорлигини таъминлашда давлатнинг фаол роли муҳимлигини, иқтисодий ўсишнинг аниқ мақсадни кўзловчи сиёсати фискал ва цул-кредит сиёсати қатъий чораларининг самарасизлигини тан олади. Халқаро Валюта Жамғармаси қарашларининг бундай ўзгариши Ўзбекистоннинг 23 йил муқаддам танлаб олган ислохот йўли тўғрилигини тасдиқлайди.

Давлат бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни бажариши учун унинг ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт ва бунга давлат молияси ёрқали эришилади. Шунинг учун ҳам молиянинг ривожланиши давлатнинг ривожланиши ва унинг заҳираларга бўлган эҳтиёжи билан бевосита боғлиқдир. Умумжамият эҳтиёжлари давлат йўли билан қондирилади ва мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ.

Давлатнинг молиявий фаолияти-давлат зиммасидаги вазифаларни бажарилишини таъминлаш учун пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш соҳасидаги тадбирлардан иборат. Молиявий фаолият миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни ҳам қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараёндир. Ишлаб чиқариш жараёнида корхона, ташкилот ва фуқароларда оул жамғармалари вужудга келади ва молиявий фаолият натижасида ушбу жамғармаларнинг муайян қисми ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун умумдавлат жамғармаларига жалб этилади (2-чизмага қаранг).

Ижтимоий соҳага йўналтирилган молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари



Давлат молияси таркиби давлат бюджети, бюджетидан ташқари пул фондлари, давлат кредити, давлат корхоналари молиясидан ташкил топади. Иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтиши билан бюджетнинг даромад тушумларини солиқлар ва солиққа кирмайдиган тўловлар ёрдамида сафарбар қилишга эҳтиёж туғилди, давлатнинг корхоналар, ташкилотлар, аҳоли билан бюджетни шакллантириш пайтидаги ўзаро муносабатлари иқтисодий қонунлар асосида изга солина бошлади. Солиқлар давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги молиявий муносабатларни хусусиятлайди, солиқларнинг иқтисодиётда тутган ўрнини кўрсатувчи асосий белгилардан бири - уларнинг давлат бюджетидаромадларининг асосий манбаини ташкил этишидир.

Америкалик иқтисодчилар Г. Коун, М. Ключо фикрларига кўра, давлат солиқларидан ва трансферт тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлаш имконига эга бўлади. Немис олимлари А. Вагнер, М. Вебер, Г. Шмоллер фикрига кўра мамлакатнинг бойлигини ва даромадларини адолатли тақсимлашда давлат молиясидан фойдаланиш мумкин бўлса, инглиз олими Д. С. Милль

мамлакатдаги ижтимоий зиддиятларни юмшатиш мақсадида даромадларни тақсимлаш соҳасида ўзгартиришлар киритиш кераклиги тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ҳозирги кунда солиқлар давлат харажатларини молиялаштириш, иқтисодиётни тартибга солиш, аҳолини айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш каби вазифаларни бажарадилар.

Солиқларнинг биринчи вазифаси, давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлашдир. Унинг иккинчи вазифаси ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишдан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Давлат харажатлари миқёсининг ўсиши ўз навбатида солиқларнинг ўсишини тақозо этади ва унинг даражасини белгилаб беради. Солиқ ҳажмини ўсиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- аҳоли сонининг ўсиши.
- ижтимоий соҳа хизматлари сифатига талабнинг ортиши ва урбанизация.
- атроф-муҳитнинг ифлосланиши.
- даромадлар тенгсизлигини қисқартириш дастурларини амалга ошириш.

Республикамызда солиқларнинг зарурлиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қонуниятларидан келиб чиқади. Солиқларнинг бажарадиган вазифалари кўичилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилиги умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий вазифалардан бири - умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб беришидир. Бу эса, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг давлат томонидан молиялаштиришнинг шартлигидир. Буюк Британия давлат бюджетида солиқ тушумлари 96,7 фоизни, АҚШда 98 фоизни, Францияда 91,5 фоизни ташкил этади. Солиқларнинг иқтисодий

восита сифатида аҳамияти шунда кўринадик, республика аҳолисининг турмуш даражасида зарур мувозанат сақлаб туршгади. «Солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат билан биргаликда, яшш миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиёт тизимини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади». Ўзбекистон Республикасида белгиланган турли солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари асосан ижтимоий соҳа ходимларига, нафақа олувчилар, пенсионерларга берилиши, республикада молия сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати инсон учун, унинг фаровонлиги учун олиб борилаётганлигидан далолат беради. Чунки А. Темур таъкидлаганидек, «раиятдан мол-ҳирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади».

Давлат молиясида ишлатиладиган «тушум» ва «даромад» каби сўзларнинг таърифига кўра маъноси бир хил. Ўскин шунга қарамасдан Халқаро Валюта Жамғармасининг Давлат Молия Статистикаси глоссарийсига асосан бу терминларни ишлатишда фарқ бор. «Тушум» термини умумий маънога эга, «даромад»га кўра кенгроқ маънони англатади. «Даромад» термини солиққа тортишни характерлайди. Молияни бошқаришнинг янги қонунларида кенг маънодаги «тушум» терминидан фойдаланилган. Давлатга тушадиган тушумнинг манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) тўғри (масалан, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ) ва эгри (қўшимча қиймат солиғи) солиқлар;
- б) мақсадли давлат жамғармаларига ва дастурларга ажратмалар (масалан, ижтимоий таъминот тизими);
- в) халқаро савдодан ва бошқа операциялардан (масалан, давлат божи ва акциз солиғи);
- г) давлат корхоналарининг кассали жорий тушуми;

- д) маъмурий тўловлар ва йиғимлар (масалан, жарималар);
- е) давлат активлари савдосидан тушган тушумлар;
- ё) кредитлар, грантлар, трансфертлар.

Молиянинг функциялари тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Биз функция деганда маълум категориянинг кўп қайтариладиган, такрорланадиган доимий ҳаракатини тушунамиз. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжасв ўзларининг «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида молияни тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий информация каби тўртта функциясини кўрсатадилар.

Ш.Шодмонов, Т.Жўраевлар фикрича, молия тақсимловчи, назорат, рағбатлантирувчилик функцияларидан ташқари «молия иқтисодий жараёнларни, тадбирларни молиявий таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради». Лекин иқтисодчи И.Иномов томонидан молиянинг 3 та функцияси сифатида тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя функцияси тан олинади.

Иқтисодчимиз А.Қодиров фикрича, «давлат миллий маҳсулотнинг бир қисмини пул шаклида ўз қўлида жамлайди ва молия ёрдамида уни қайта тақсимлайди, назорат вазифаси пул фондларини шакллантириш ва ишлатиш жараёнида намоён бўлади. Шунингдек, молия алоҳида хўжалик субъектлари ва жамият иқтисодий фаолиятининг якунлари хусусида ахборот бериш, аҳолининг моддий жиҳатидан кам таъминланган ночор қисмини ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини ҳам бажаради».


В.И.Родионованинг «Финансы» дарслигида молиянинг назорат ва тақсимловчи функциялари кўрсатилади. Унинг фикрича «молиянинг тақсимловчи ва назорат функциялари» — бу иқтисодий жараённинг икки томонидир, булар бир-бири билан яқин ва қаттиқ боғлиқ бўлгандагина молия ўзини қийматни тақсимловчи категория сифатида кўрсата олади. Ҳар бир хўжалик субъектини зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш, маълум мақсадга мўлжалланган пул фондларидан фойдаланиши молиянинг худди шу тақсимлаш функцияси орқали кўринади. Молиянинг назорат

функцияси «хабарлари» орқали жамият молиявий ресурслардан самарали ва тўғри фойдаланишини, пул маблағлари тақсимотининг пропорцияларини, ҳар хил хўжалик субъектлари қўлига молия ресурслари ўз вақтида етиб боришини билдиради». У молиянинг иқтисодий ахборот функциясини назорат функциясининг амал қилиш инструменти қилиб кўрсатади.

Иқтисодчи Л.А.Дробозина фикри бўйича ҳам молия иккита асосий функцияларни бажаради — молиянинг тақсимловчи ва назорат функциялари бир вақтнинг ўзида намоён бўлади. Ҳар бир молиявий операция умумжамят маҳсулотини ва миллий даромадни тақсимланишини ва назоратини билдиради. Профессор М.Йўлдошев ҳам «Молия ҳукуқи» дарслигида молиянинг тақсимловчи ва назорат функцияларига эътибор бердилар ва молиянинг бошқа функцияларини тушириб қолдирдилар.

Демак, давлат молиясининг иқтисодий категория сифатидаги мохияти ижтимоий муносабатлар орқали кўринади ва ўзига хос функцияларни бажаради. Жумладан, тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий маълумот беришдан иборат (3-чизмага қаранг).

3-чизма



Молиянинг тақсимлаш усуллари молиялаштириш ва кредитлашдан иборат. Молиялаштиришда давлат маблағларини бюджет ҳисобидан режали,

мақсадли, қайтармаслик шарти билан берилади. Кредитлаштиришда давлат маблағларини мақсадли, ҳақ эвазига, қайтариб бериш шарти билан берилади.

Молиянинг рағбатлантириш функцияси молия воситалари орқали хўжалик объектларини иқтисодий фаолликка ундашдан иборат. Бу молия тизимида ишлатиладиган солиқлар, тўловлар, субсидиялар ва субвенциялардир. Солиқдан имтиёз берилиши корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кетадиган инвестицияни кўпайтиради, ишловчиларга кўпроқ мукофот беришини таъминлайди, уларни яхши ишлашга ундайди. Масалан, Республикамиз тижорат банкларини 4 йил мобайнида солиқлардан озод қилиниши солиқларнинг рағбатлантириш функциясини амалиётда кўрсатди. Қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатга Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинди. Бу маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, ходимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади. Бож пулини камайтириш орқали экспорт рағбатлантирилади, импорт қисқаради. Корхонани молиявий соғломлаштириш воситаси унга зарарни қоплаш учун бериладиган субсидиялар бўлади.

Молия воситасида ночор ижтимоий қатламлар, ўзига боғлиқ бўлмаган равишда ўз-ўзини таъминлай олмайдиган фуқаролар махсус ташкил этилган пул маблағлари ҳисобидан, масалан, ишсизлик, нафақалари, болалар учун нафақалар, ногиронлик пенсиялари билан таъминланади. Молия воситасида аҳолининг маълум қатламлари фаол ҳимоя этиш билан бирга, ҳаммага тегишли бўлган аҳолининг соғлиғини сақлаш, умумий таълим учун, атроф-муҳитни соғломлаштириш каби харажатлар давлат бюджети томонидан молиялаштирилади.

Молиянинг иқтисодий ахборот бериш функцияси ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу функция хўжалик субъектлари, жамият иқтисодий фаолиятининг молиявий якунлари тўғрисида маълумот ва хабарлар бериб туришдан иборат бўлади, иқтисодиётни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш ва кенг қўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш, унинг манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш инсон ҳаёти ривожланишининг асосий жабҳаси ҳисобланади. Кенг маънода турмуш даражаси - жамиятнинг инсонга берадиган эътиборининг комплекс тавсифи, тор маънода-инсон талаб қилган эҳтиёжларнинг қондирилиш ҳажми, савияси ва сифатини хусусиятловчи миқдорий кўрсаткичлар тизимини ифодалайди.

Турмуш тарзини тавсифлаш учун натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Натурал кўрсаткичлар конкрет ва кўرғазмали бўлади, турли мамлакатлардаги турмуш даражаларини қиёслашга имкон беради. Масалан, аҳоли жон бошига миллий даромаднинг тўғри келадиган ҳажми, истеъмол фондидаги миллий даромад миқдори ва солиштирма оғирлиги, оиланинг ўртача жон бошига пул даромади, минимал истеъмол савати қиймати, аҳолининг реал даромадлари индекси ва бошқалар киради. Турмуш даражасининг натурал кўрсаткичлари каби, қиймат кўрсаткичлари ҳам кўрғазмали ва аҳамиятлидир. Масалан, тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг юксак даражада бўлишини таъминлаш учун фаолиятнинг бу соҳасига сарфлар ялпи миллий маҳсулотнинг 5-7 % шу ташкил этиши керак. Истеъмол даражаси юқори бўлган мамлакатларда овқатланишга харажатлар оила бюджетининг 15-30 % ни ташкил этади.

Аҳолининг турмуш даражаси молиянинг бевосита ва фаол иштирокида шаклланади. Моддий ва хизматларни истеъмол қилиш ҳажми фуқаролар

даромадларининг миқдори ва давлатнинг ижтимоий сиёсатига боғлиқ бўлади. Аҳолининг турмуш даражасини реал пул даромадлари белгилайди, уларнинг ҳажми нафақат меҳнат ҳақининг миқдори, балки амалдаги солиқлар тизими, нарх-наво, инфляция, дотация миқдорлари ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Фуқароларнинг реал даромадлари қийматни кўп маротаба молиявий жиҳатидан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўлади. Ушбу тақсимлаш ҳоҳида нақадар қарама-қарши хусусиятга эга бўлади. Масалан, солиқлар ёрдамида фуқаролар олган пул даромадлари қисқартилади, уларни шу реал даромадлари шу тариқа камайтирилади. Бироқ, солиқлар воситасида сафарбар этилган молия ресурслари бюджет орқали маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот соҳаларига юборилади, дотация ва компенсация тўловларига ишлатилади, шу туфайли фуқароларнинг реал даромадлари даражаси нафақат сақланади, балки уларнинг ўсиши ҳам таъминланади.

Бозор муносабатлари шароитларида фуқаролар пул даромадларининг асосий манбаи иш ҳақининг давлат томонидан фақат молиявий воситалар ёрдами билангина бошқарилиши мумкин. Бундай бошқаришда солиқлар асосий восита бўлиб хизмат қилади. Фуқаролар даромадларига билвосита солиқлар, энг аввало, қўшимча қиймат солиғи салбий таъсир ўтказади. Бу ерда истеъмол нархлари орқали аҳоли айрим гуруҳларининг ижтимоий ва моддий аҳволига таъсир этадиган даромадларини бюджетга ялпи ўтказиш рўй беради. Бундай солиқлар иложи борича қисқа муддатни эгаллаши лозим, негаки улар фуқаролар ва биринчи навбатда, кам таъминланганлар фаровонлигининг кескин пасайишига олиб кслади. Аҳоли пул даромадларининг миқдорларига молиявий таъсир жисмоний шахсларга солиқ солиш орқали айниқса, самарали амалга оширилади. У шундай қурилганки, фуқароларнинг ўз даромадларини меҳнат унумдорлиги ўсишига қараганда янада тез суръатлар билан оширишга интилишларининг олдини олади. Шунинг учун давлат жисмоний шахсларнинг солиқ ставкалари профессияси бошланадиган ва ўсиб борадиган ўша даромад даражасини аниқ белгилаб

олиши лозим. Бу қонданинг бузилиши солиқ тўлашдан оммавий бош тортиш, аҳолининг меҳнатнинг юксак натижаларидан манфаатдорлигини йўқотиш хавфини туғдиради.

Истеъмол фондлари-солиқлардан кейин иккинчи муҳим канал ҳисобланади, у орқали молиянинг фуқаролар фаровонлигини оширишда бевосита иштироки амалга оширилади. Улар аҳолига бепул хизмат кўрсатиш, пул нафақаларини тўлаш ва турли хил имтиёзларни бошқаришдан фарқи ўлароқ, ижтимоий истеъмол фондлари механизми жамиятга аҳоли турли тоифаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини бараварлаштириш мақсадида фуқаролар истеъмол харажатларининг структурасига бевосита таъсир ўтказиш имконини беради. Ижтимоий истеъмол фондларининг иш ҳақи ўсишига қараганда тезроқ ўсиши сабабларининг таҳлили, бу ўзиб кетиш ўзгаришлари, имтиёз ва бепул хизматлар олишнинг кафолатланган ҳуқуқларига эга бўлган шахслар доирасининг кенгайиши, тўловлар миқдорларининг ошиши билан тушунтирилади, деган хулосага келиш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, бу давлатнинг имкониятлари билан эмас, унинг бурчлари ва декларациялари билан шартланган ижтимоий истеъмол фондлари ўсишининг омилларидир. Бозор мурасабатларига ўтиш ижтимоий истеъмол фондлари билан бевосита боғлиқ бўлган фуқароларнинг пул даромадлари ошишнинг давлатимиз учун янги манбаларини вужудга келтиради. Бу, турли хил хайрия ва белгиланганлик жиҳатдан уларга яқин ижтимоий фондлардир. Эҳтиёжларни қондиришда ушбу манбаларнинг роли доимо ўсиб боради, чунки бозор фуқаролар ижтимоий дифференциясини келтириб чиқариши муқаррардир, бунинг натижасида баъзан давлат бошқарув структурасидан ҳам, корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам таъминланмайдиган одамлар гуруҳи пайдо бўлади. Бундай фуқароларга реал ёрдам фақат хайрия тартибдагина берилиши мумкин.

Ижтимоий кафолатлар - жамият ривожланишини, унинг фуқаролари турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланди. Улар

одамларни моддий ва ҳаётни ижтимоий жиҳатидан таъмин қилишнинг энг муҳим томонларини қамраб олади, бу соҳада жамият аъзоларини химоя қилиш бўйича ўз устига оладиган мажбуриятлар доирасини белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитларида, ходимлар иш жойини йўқотган тақдирда, уларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, мумкин кддар тезроқ ишга жойлаштириш бош ижтимоий кафолат ҳисобланади.

Бу вазифаларни ҳал этиш молиявий механизмни қайта қуриш, унда янги бўғинлар-меҳнат ресурслари билан тезда муносабатини ўзгартириш учун моддий шарт-шароитларни таъминловчи, шунингдек, бошқарув аппаратини қисқартириш, зарар келтираётган корхоналарни тугатиш, қўл меҳнатини юқори унумли техникага алмаштириш, корхоналар штатларидаги ишга бир марталик тартибда жалб қилиниши мумкин бўлган ходимларни чиқариш шароитларида фуқаролар бандлигини максимал даражада кафолатлайдиган давлат аҳоли бандлиги фондларини сақлаш билан узвий боғлиқдир.

Жамиятнинг меҳнат қилишга қобилияти бўлмаган қисмини моддий таъминлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, болаларнинг туғилиши ва уларга қараш зарурияти билан боғлиқ нафақаларни тўлаш ҳам муҳим ижтимоий кафолат ҳисобланади. Бу соҳада молия етакчи рол ўйнайди, негаки у туфайли мақсадли ижтимоий суғурта ва таъминот махсус жамғармалари тузилади. Бу жамғармалар тегишли ижтимоий тизимларнинг мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатишининг иқтисодий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий кафолатлар соҳасидаги асосий йўналишлардан бири — инфляция муносабати билан аҳоли даромадларини индексациялаш ва талафотларни компенсациялаш бўлиб қолади. Бу кафолатларни киритиш зарурати давлат идоралари томонидан нарх-навони қатъий тартибга солишдан амалда тўла воз кечиш натижасида вужудга келади.

Ижтимоий соҳалар янги қийматни яратиш манбаи ҳисоблансада, у буюмлар тарзида эмас, балки хизмат тури сифатида мавжуд бўлади. Ижтимоий соҳалар товарнинг турли кўринишларини акс эттиради, уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этади. Бироқ, у моддий ишлаб

чиқаришдан фарқли ўлароқ, яъни маҳсулотнинг ўзига хос буюм шаклидаги каби бўлмай, балки ижтимоий соҳаларда меҳнат маҳсули — фойдали самара шаклида мавжуд бўлади, уни яратиш ва истеъмол қилиш жараёнини солиштириб кўрганда асл фаолиятдан ажралмас ҳолда бўлади. Бундан ташқари, шуни ҳисобга олиш лозимки, ижтимоий соҳалар алоҳида турдаги товар, бу ҳам ижтимоий-маданий тадбирларни молиялашни ташкил этишга ўзининг маълум бир хусусияти билан таъсир этиб туради.

Ижтимоий-маданий тадбирларнинг барчасини икки гуруҳга ажратиш мумкин: индивидуал истеъмол хизмати ва жамоат хизмати. Индивидуал истеъмол хизматига ҳар бир харидор томонидан сотиб олинган ижтимоий-маданий тадбир киради ва булар ўз вазифасига кўра шахснинг индивидуал эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилгандир. Жамоат товарига эса мустасно қилиб чегара белгиланмаган, ундан барча фуқаролар фойдалана олишлари мумкин. Ушбу гуруҳдаги товарлар бепул ва текин тарзида сотилади. Жамоат товарининг катта ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб давлат уни ишлаб чиқариш ва молиялаштиришни амалга оширади. Якка тартибда истеъмол товари ва жамоат манфаати учун мўлжалланган товарлар орасидаги кескин фарқ туфайли ушбу товарларни ишлаб чиқариш маълум даражада уни бошқариш ва молия билан таъминлашда қийинчилик туғилади.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни молиялаштиришнинг бюджет шакли устунлиги ижтимоий-маданий тадбирларни бир қолипга солишга, яъни унга жамоат фаравонлиги сифатида қарашга олиб келади. Маълумки, ижтимоий соҳаларнинг муҳим тури - соғлиқни сақлаш харажатларининг 60% бюджет ҳисобидан қопланмоқда. Ушбу ҳолатда жамиятнинг тармоқни молиялаш бўйича фаолияти фақат давлат вазифаси, деб талқин этиб келинади, бу эса саломатликни сақлашда кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бошқа қатнашчилари масъулиятини бажаришда, шунингдек, соғлиқни сақлашни молиялаштириш манбалари кенгайтирилишида сунъий тўсиқ бўлиб келди. Айни бир вақтда бундай ёндашув тармоқнинг ўзига хос хусусиятини акс эттирмайди, айниқса, соғлиқни сақлаш соҳаси тақдим

этаётган хизмат борасида тўғри келмайди.

Ҳозирги замонавий шароитда соғлиқни сақлаш жуда кенг турдаги тиббий хизматларни таклиф этмоқда, улар якка тартибдаги истеъмол ва жамоат фаровонлиги товарлари зарраларини ўзида йиғма ҳолда акс эттиради. Тармоқнинг бундай хусусияти уни молиялаштириш манбаларини белгилашда ҳисобга олиниши лозим. Якка тартибдаги, хусусий ёки муассаса томонидан алоҳида шаклларда кўрсатиладиган ижтимоий-маданий хизмат бутунлай ёки бирор корхоналар томонидан маблағ билан таъминланмоғи лозим. Жамоа фаровонлиги учун тўловни давлат ўз зиммасига олиши керак. Лекин вазифанинг мураккаблиги шундаки, жамоат ва якка хизматлар ўртасидаги чегарани белгилаб олиш мушкул. Ушбу масалани ҳал этиш давлатнинг молиявий имкониятига боғлиқ бўлади, молиявий асоси бақувват давлат жамоат фаровонлиги турларини кўпайтириб боради ва уларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиради.

Ижтимоий соҳаларнинг маълум бир турдаги хизматига алоҳида шахслардан эҳтиёж бўлса, уни ишлаб чиқариш ҳам фойдали ҳисобланади. Хусусий фаровонликни истеъмол қилиш кўнинча ташқи ижобий самарага эга бўлмайди, чунки улар алоҳида олинган индивидлар эҳтиёжинингина қондиради. Шундай ижтимоий-маданий хизмат турлари борки, уларга жамият доимо эҳтиёж сезиб туради, бироқ ушбу турларни ишлаб чиқариш нодавлат сектор учун фойдасиз ҳисобланади. Биринчидан, уларни истеъмол қилувчилар орасида даромади юқори бўлганлар озчиликни ташкил этади, аксарият ҳолда бундай хизматлар асосан қимматбаҳо бўлади. Иккинчидан, хизматлар якка тартибдаги хусусиятга эга бўлмайди ва ушбу фаровонликдан фойдаланишнинг ижобий самараси кўпчиликка тегишли бўлади, ушбу хизматга эҳтиёжмандларни белгилаб олиш, демакки молиялаш манбаларини чегаралаб олишни қийинлаштиради.

Шундай қилиб, бозор иқтисоди механизми бундай турдаги хизматларни ажратиб ташлайди ва уларни давлат молиялаштиришга мажбур бўлади, чунки бундай хизматга жамоатчилик эҳтиёжи мавжуд бўлади. Бозор

иқтисодини шакллантириш босқичини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, ижтимоий соҳалар етарлича самарали фаолият кўрсатиши учун давлат ижтимоий соҳалар тизими билан хизмат кўрсатишнинг хусусий соҳаси кўшиб олиб борилиши керак.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, бунда ижтимоий-маданий тадбир харажатларини қоплашда давлатнинг иштирок этиши турли усуллар билан амалга оширилиши давлат хариди ва давлат трансферти механизми воситасида бўлиши мумкин. Фуқароларнинг жамоат фаровонлигига бўлган эҳтиёжини қондириш харажатларини давлат томонидан молиялаштиришнинг мавжуд шаклларида бири, ҳозирги вақтда чет элларда кенг тарқалиб бораётган - трансферт харажатларидир.

Давлат хариди тизими барча хизмат учун ҳақ давлат томонидан тўланиши ва сўнг хизмат аҳоли ўртасида тақсимланишини билдиради. Трансферт тизими эса молиявий заҳираларни индивидуал истеъмолини мўътадиллаштириш учун тақсимлашга асосланади. Ушбу оқим трансфертларнинг аниқ мақсадга йўналтирилгани билан боғлиқ, шунингдек, иқтисодий ривожлантиришга давлат аралашуви сустиги билан бўлгиланади.

Яна таъкидлаш лозимки, жамоат фаровонлиги учун тўловга давлат турли хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг шахсий жамғармаларини ҳам жалб этиши мумкин. Бу давлат бошқарувининг тегишли иқтисодий ва ҳуқуқий таянчларидан фойдаланиш воситасида бўлиб беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини жалб этиш имконияти давлат зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди. Боз устига, давлатнинг ижтимоий-маданий хизматларни молиялаштиришда иштирок этишдан четлашиши давлат фаоллигининг ошиб бориши ҳақидаги А.Вагнер қонуни шартларига зид келади. Ушбу қонунга мувофиқ, саноати ривожланган мамлакатларда давлат харажатлари ишлаб чиқариш ва миллий даромад ҳажмига нисбатан тезроқ ўсиб бориши шарт.

Жумладан, ижтимоий соҳадаги харажатларни қоплашда давлатнинг иштирок этиши ушбу тармоқларда бозор механизми фаолият кўрсатишдаги бўшлиқларни тўлдириш имконияти билан боғланади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда бош вазифа ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш бўйича мажбуриятларини тўлиқ давлат бюджети зиммасига юклаш эмас, балки ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлат бюджети ва бошқа манбалар уйғунлиги учун аниқ имкониятларни қидириб топишдан иборатдир.

3. Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида ижтимоий соҳа харажатларининг шаклланиши

Ҳозирги кунда ижтимоий соҳанинг ривожланиш даражаси иқтисодиётнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда иқтисодий адабиётларда «ижтимоий соҳа», «ижтимоий сиёсат», «ижтимоий ҳимоя», «ижтимоий ёрдам», «ижтимоий сектор» каби тушунчалар учрайдики, уларнинг моҳиятини тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий соҳалар - алоҳида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган халқ хўжалигининг шундай тармоғики, унинг фаолияти аҳолини ижтимоий эҳтиёжини қондиришга, турмуш шароитини шакллантириш мақсадига, фуқароларнинг муносиб турмуш шароитини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва молиялаштирилиши ижтимоий сиёсат, аҳолининг ўсиш суръати, аҳолининг ёш бўйича таркиби, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва миллий даромад омилларга бевосита боғлиқ бўлади.

Ижтимоий соҳа ижтимоий сиёсатнинг бандлик ва ишсизлик, аҳоли даромадларини таъминлаш, таълим ва малакага тайёргарлик, соғлиқни сақлаш масалаларини қамраб олади (1-жадвалга қаранг).

Ижтимоий соҳа харажатларининг таркиби

Ижтимоий хизмат соҳаси	Ижтимоий ҳимоя	Ижтимоий суғурта
Таълим	16 ёшгача болалар бўлган оилаларга нафақа	Ишсизлик бўйича суғурта
Фан	Ишламайдиган оналарга бола 2 ёшгача парваришlash учун тўланадиган нафақа	Меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлик бўйича суғурта
Соғлиқни сақлаш	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам	Тиббий суғурта
Жисмоний тарбия	Чернобл ҳалокати оқибатларини бартараф этиш харажатлари	
Ижтимоий таъминот	Стипендия	
Бандлик хизмати	Ишсизлик нафақаси	

Ижтимоий хизматларни ривожлантириш - инсоний капиталга инвестицияларни йўналтириш ва шахснинг ишлаб чиқариш ва маънавий потенциални кенгайтиришдан иборат. Ижтимоий хизматлар ижтимоий ёрдам сифатида солиқлар тушуми ҳисобига молиялаштирилади, лекин, ҳомийлик тадбирлари ҳисобланмайди. Чунки вақт ўтиши билан бепул ва имтиёзли хизматлардан фойдаланган фуқаролар томонидан бу харажатлар қопланади.

Ижтимоий ёрдам-кам таъминланган аҳоли қатламларига кўрсатиладиган хизматлар ва имтиёзлардир. Фуқароларнинг маълум бир табақаларига бериладиган имтиёзлар сифатида фуқароларнинг амал қилаётган қоида, талаб ва мажбуриятлардан қисман озод қилинишини тушунамиз. Фуқароларга бериладиган имтиёзларнинг сони ва ҳажми шу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган фуқаронинг ҳақиқий даромадларидан қатъий назар берилади. Бу имтиёзлар билан ҳар хил ташкилотлар шуғулланади ва бу имтиёзлар харажатларини молиялаштириш манбалари ҳам турличадир.

Ўзбекистон Республикаси "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунга кўра Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, Афғонистонда хизмат қилган жангчиларга, врачларга, ўқитувчиларга, илмий ходимларга, аҳолининг кам таъминланган қатламларига кирувчи тоифадаги

шахсларга хусусийлаштирилган уй-жой квартираларининг 40 фоизи бепул берилди. Тошкент вилояти бўйича бепул берилган уй-жойларнинг умумий қиймати 200 миллион сўмни ташкил қилди.

Иқтисодчиларимиздан М.Ҳакимованинг таърифига биноан, ижтимоий ҳимоя-ўзига боғлиқ бўлмаган равишда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган фуқароларга бериладиган нафақалардир. Бу харажатлар солиқ тушумидан молиялаштирилади. Ижтимоий ҳимоя ёрдамида аҳолининг умумжамият ишлаб чиқариш фаолиятида қандай қатнашишга қарамасдан, аҳолининг маълум табақаларини турмуш даражасини яхшилаш амалга оширилади.

Ўзбекистондаги ишлаб турган 8,9 миллион киши 1999 йилда 2,0 триллион сўмдан ортиқ ялпи миллий маҳсулот яратди, шундан 6,7 фоизи пенсия таъминоти учун ажратилди. Пенсияларнинг 80 фоизи овқатланишга харажат қилинади, бундан ташқари, 24000 ёлғиз пенсиялар доимий парваришга муҳтождирлар. Бундай вазият пенсиялар турмуш даражаси муаммоларини янада кескинлаштиради. Ҳозирги пайтда республикада ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари кўрсатилмоқда:

1. Болали оилаларга нафақалар:

- ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа;
- бола туғилганда бир марта бериладиган нафақа;
- бола 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун бериладиган нафақа;
- 16 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақа.

2. Ижтимоий нафақалар:

- туғма ногиронлар ва бошқа тоифалардаги ногиронларга;
- иш стажи йўқ қарияларга;
- боқувчисини йўқотган оилаларга.

3. Ижтимоий таъминот муассасаларини сақлаш:

- қариялар ва ногиронлар уйлари;
- касалманд болалар учун интернатлар.

4. Турли имтиёзлар

- бепул ва арзонлаштирилган нархда транспорт воситалари ва

ногиронлар аравачалари бериш;

- санаторий-курорт йўлланмалари билан таъминлаш;
- протезлаш;
- солиққа доир имтиёзлар.

5. Кам таъминланганлик бўйича нафақалар.

Ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар берилади:

- болали оилаларга нафақалар;
- кексалар ва ногиронлар уйдагиларни боқиш ва хизмат кўрсатиш;
- ногиронларни меҳнатга ўргатиш, ишга жойлаш, протез қўйиш;
- Чернобиль АЭСдаги ҳалокатда қатнашганларга, ногиронларга моддий ёрдам.

Болалар учун бериладиган нафақаларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, шунингдек, мулкчилик шаклларида қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан ҳам амалга оширилади. Қуйидагилар ижтимоий ёрдам тизимини молиявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда:

- ўз жамғармалари ҳисобидан ўз ходимларига пул тўлаётган ва имтиёзлар бераётган корхоналар;
- жамоат ташкилотлари;
- касаба уюшмалари, фахрийлар, ногиронлар жамиятлари ва бошқалар.

Ижтимоий суғурта - вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли, пенсияга чиқиш муносабати билан, ишсизлиги туфайли аҳолининг йўқотган иш ҳақини маълум қисмини қоплашдир. Ижтимоий суғурта шу мақсадларга йўналтирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида ҳукумат сиёсатининг асосий кўринишларидан бири - ижтимоий сиёсатдир. Бунинг асосий сабаби шундаки, бозор иқтисодиёти жамиятдаги ижтимоий алоқаларни автоматик равишда бошқара олмайди. Иқтисодчи

Ш.Зайнуддиновнинг фикрига кўра ижтимоий сиёсат - бу аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш, яшаш ва ишлаш учун етарли шароитларни таъминлайдиган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

Иқтисодчиларимиздан Ш.Шодмонов ва Т.Жўраев томонидан ижтимоий сиёсатга - бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти катнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир, деб таъриф берилади.

Иқтисодчи М.Ҳакимованинг фикрига кўра, давлатнинг ижтимоий сиёсати аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини бажариш мақсадида унинг юқори ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш учун давлат томонидан кўриладиган тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Ижтимоий сиёсат ҳар хил даврларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва натижалари ҳам турлича бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, ижтимоий сиёсат — фақатгина камбағаллар, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлар, ёшлар ва қарияларни ҳимоя қилибгина қолмасдан, у табақаланиш жараёнини юмшатади, сиёсий барқарорликка кафолат беради. Адолат тамойилларига асосланган ҳолда, ижтимоий сиёсат жамиятдаги турли соҳалар ва муносабатлар ўртасидаги тенгликни таъминлайди.

Амалда бизнинг республикамызда ижтимоий сиёсатнинг қуйидаги йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда:

- ишлаб чиқариш соҳаснда:
- бандликни юқори даражада ушлаб туриш;
- хусусийлаштириш ва давлаг тасарруфидан оммавий чиқариш амалга оширилаётганда меҳнат жамоалари манфаатларига риоя қилиш;
- илгари ўрнатилган меҳнат алоқаларини сақлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш.
- даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳасида:

- иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендияларни минимал миқдорини белгилаш;

- инфляция ўсиши сабабли аҳоли даромадларини индексациялаш;
- даромадларни кам таъминланган фуқаролар фойдасига тақсимлаш.

- истеъмол соҳасида:

- ички истеъмол бозорини ҳимоялаш;
- истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- товарларни эркин алмашувига шароит яратиш;

- асосий истеъмол моллари даражасини кескин пасайишига йўл қўймаслик;

- ўта муҳим, юқори калорияли озиқ-овқат истеъмолини таркибини такомиллаштириш;

- ижтимоий хизмат истеъмоли даражасини кескин пасайишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

- ижтимоий ҳимоя соҳасида:

- оилага қаратилган нафақаларни белгилаш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимоясида манзилли характерни белгалаш;
- кам таъминланган оилаларга нафақаларни маҳаллалар орқали бериш;
- аҳолининг ижтимоий муҳофазаси учун давлат молиявий манбалари билан бир қаторда хомийлик, хайрия ташкилотлари маблағларини жалб этиш;

- давлат томонидан юқори туғилишни рағбатлантиришни камайтириш.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, Швед моделининг моҳиятини актив ва селектив сиёсат белгилайди. Швед моделида тўлиқ бандлик ва аҳоли даромадлари ўртасида фарқларнинг камлиги фаол сиёсатнинг асосини ташкил этади. Бу модел бўйича биринчи даражали рол ўйнайдиган ижтимоий сиёсат иш кучини такрор ишлаб чиқаришда қатнашиши учун нормал шароит яратиш беришга қаратилган.

Бу модел асосчиларидан бири Е. Ренанинг фикрича, «ишсизлик — инфляция» дилеммасининг маъноси шуки, давлат нархларни паст даражада

ушлаб туришга барча пулли чегара ва солиқлардан фойдаланади. Тадбиркорлар, ишловчилар ўзлари инфляцияга боғлиқ иш ҳақини ошишига қарши турадилар. Бундай уйғунлашув ҳаммага, ҳамма ерда иш топишни кафолатлайди. «Швед модели — Рена модсли» амалий циклининг ҳамма фазаларида қўллаш мумкин.

Бошқа мамлакатлар Швед моделидаги актив сиёсатдан фойдаландилар ва бу модель ўз самарасини берди. Швецияда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, иш билан таъминлаш, жамоат ишларша тортиш каби фаол тадбирлар кишиларнинг ўз иш ўрнини топиш ва сақлаш учун имконият яратди. Аҳолини озгина қисми даромадини йўқотганлиги учун нафақа олади, булар пассив тадбирлар ҳисобланади.

Швед моделининг энг муҳим ва ўзига жалб этувчи томони, юқорида айтиб ўтганимиздек, «тўлиқ бандликдар». Бу мамлакатда ишсизлик даражасини 2 фоиз атрофида тебраниб туриши оммавий ишсизлик, муқаррар деган тушунчани инкор этди. Бу кўрсаткич «тўлиқ бандлик» тушунчасининг синоними ва барқарор иқтисодиёт тараққиётининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, социал демократлар ҳар бир фуқароларнинг даромадини ошириш борасидаги курашнинг — биринчи чизиги аҳолини иш билан бандлик муаммосини ҳал қилиш, социал нафақаларни тайинлашни эса курашнинг иккинчи чизиги — пассив ёрдам деб ҳисоблайдилар. Фуқароларнинг таълим олишга, соғлиқни сақлашга ва бошқа ижтимоий хизматларга бўлган талабларини фақат маълум чегарадагина бозор асосида қондириш лозим деган фикр билдирадилар.

Демак, ижтимоий сиёсат шахс ва жамият даражасидаги муаммоларни ҳал этади. Биринчи ҳолатда гап «имкониятлар тенглиги» деб номланувчи концепция ҳақида бормоқдаки, бунга кўра шахс учун маълум тизим шароитида ўз ҳолатини яхшилаб олиш имкониятлари яратилади, иккинчи ҳолатда эса «инсон капитали» концепцияси ҳақида фикр юритилади ва бунда шахс жамият эҳтиёжлари асосида шаклланади. Ушбу концепциялар шахснинг бозор иқтисодий шароитларига мослашувини акс эттиради ва

жамият аъзолари турмуш даражасининг яхшиланишини хусусиятлайди.

Давлатнинг ижтимоий сиёсатини муҳим йўналишларидан бири — давлатнинг ижтимоий тадбирлари мажмуини аниқлаш, уларни тизимлаштириш ва туркумлаштиришдир. Давлат ижтимоий сиёсатининг тизимлаштиришнинг биринчи босқичи тегишли тадбирларнинг тизимли категорияларга гуруҳлаштириш, уларни тартиблаштиришдан ибораткийзу ҳолат давлат ижтимоий сиёсатининг фундаментал тавсифини аниқлашга имкон беради. Бундай гуруҳлаштиришлар қатор мезонлар асосида амалга оширилади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати тадбирларини гуруҳлаштириш ва таҳлил этиш учун қўлланиладиган қуйидаги тўрт асосий мезонни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун қўлланиладиган механизмлар хусусияти;
- ижтимоий сиёсатнинг таъсир этувчи соҳалари;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланувчилар;
- ижтимоий сиёсат кўзлаган мақсадлар.

Инсон капитали шаклланиши жараёнини давлат томонидан тартибга солиш муаммоси ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мазкур тушунча орқали инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, иш кучи сифати ва амал қилишини яхшилашга қаратилган харажатлар мажмуаси ифодаланади.

Маълумки, «инсон капитали»ни шакллантирувчи фаолият соҳалари аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестицион тармоғи сифатида намоён бўлади, инсон капитали объектлари таркибига умумтаълим ва махсус хусусиятдаги билим ҳам киритилади. Ўзбекистон Республикасида ушбу тушунчанинг аҳамияти иқтисодий ислохотларнинг жадал бориши билан ҳам янада ўсди ва ижтимоий ҳимоялаган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг «ўзбек модели»да муҳим тадқиқ объекти бўлиб қолди.

Тадқиқ жараёни шуни тасдиқладики, инсон капитали тушунчасининг

муҳим бир методологик вазифаси шаклландики, илгари мугахассислар ушбу омилга етарли эътибор бермаган эдилар. Мазкур тушунча «имкониятлар тенглиги» концепциясини янада аниқлаштиради, ижтимоий сиёсатнинг эса амалий хусусият касб этишини кучайтиради. Бошқача айтганда, «имкониятлар тенглиги» концепциясидан «инсон капитали» концепциясига ўтиш қуйидагиларга имкон беради:

- ижтимоий сиёсатнинг ҳар қайси тадбири ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини ҳисобга олувчи аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланади;

- инсон капитали бозорининг шакллантирилиши орқали «ижтимоий сиёсат» тушунчасини янада кенгайтирилади, уни чора-тадбирлар билан бойитилади.

Мазкур тадбирлар турли шаклларга эга бўлиши ва иштирокчиларининг турли мажбуриятлари билан боғлиқ бўлиши ҳамда ижтимоий соҳаларнинг турли тармоқлари учун қабул қилиниши мумкин. Бироқ, барча ҳолатларда ҳам ижтимоий тадбирлар умумий «кесишиш нуқтаси»га эга бўлади, булар шахснинг жамиятдаги ўрни ёки аҳоли турмуш даражасига тааллуқли бўлади.

Бизнинг фикримизча, республикамызда миллий бойликнинг бир қисми давлат қўлида бўлганлиги сабабли, шу маблағлар ҳисобидан аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлайди, лекин ижтимоий сиёсат ҳозирги реал вазиятни албатта ҳисобга олиши керак, чунки ижтимоий сиёсат ижтимоий тизимдаги ўзгаришларга мослашувчан бўлгандагина бундай сиёсат фаол бўлади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган сари иқтисодиётнинг нодавлат секторининг малакали ишчи кучига талаби ошади. Шу боис малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига, инфляция таъсиридан аҳоли харид қобилиятини ҳимоя қилиш, нарх ошишидан аҳоли кўрадиган зарарни аҳоли даромадини ошириш орқали қоплаш мумкин. Аҳолига ишсизлик учун бериладиган нафақаларга ажратилган молиявий маблағларни аҳолини ишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун, меҳнат қилишга қайтариш учун

субсидиялар, дотациялар кўринишда бериш ўз самарасини бериши мумкин.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви шароитида ижтимоий соҳалар харажатларини шаклланишига доир чет эл ва ўзбек олимларининг фикрларини яхлитлаган ҳолда, куйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

Биринчидан, ижтимоий сиёсат факатгина ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлар, ёшлар ва қарияларни ҳимоя қилмасдан, у табақаланиш жараёнини юмшатиши, сиёсий барқарорликка кафолат бериши лозим, ижтимоий сиёсат иқтисодий аҳволдан келиб чиқиши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириши, иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатиш, ҳозирга реал вазиятни ҳисобга олиши, ижтимоий сиёсат фаол бўлиши мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Иккинчидан, республикамизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керакки, бу аҳолининг айрим қатламларига йўналтирилган мақсадли ажратмалар асосида молиялаштириш лозим деб ўйлаймиз.

Учинчидан, Швед модели бўйича биринчи даражали рол ўйнайдиган ижтимоий сиёсат иш кучини такрор ишлаб чиқаришда қатнашиши учун нормал шароит яратиб беришга қаратиладиган ижтимоий сиёсатни республикамизда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий соҳаларни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий стратегияси, инсон капитали шаклланишини давлат томонидан тартибга солиш муаммолари, ижтимоий сиёсатни мукаммаллаштириш масалалари тадқиқ этилди.

II боб. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳаларни молиялаштиришни амалий таҳлили

1. Давлат бюджети харажатлари тизимида ижтимоий соҳа харажатларининг тутган ўрни ва аҳаияти таҳлили

Бозор иқтисодиётининг дастлабки босқичларида асосан пул кадрсизланиши асосида шакллантирилган ва ўтиш даврининг ижтимоий қийинчиликларини бартараф этишга мўлжалланган давлат бюджети 1991 йилдан бошлаб иқтисодиётни таркибий қайта қуриш омилларида бирига, макроиқтисодий мутаносибликларни бошқариш ва молиявий ресурслардан мамлакат иқтисодиётининг устивор йўналишларида жамлаш воситасига айланди.

Давлат бюджетнинг харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган. Бугунги кунда “...Давлат жами харажатларининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртаса 23 фоиздан кам бўлмаган миқдорда оширилди. 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда”.

Бугунги кунда давлат молиясини бошқариш тиимида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларида, жумладан ижтимоий ҳимоя тизими ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган.

Бюджет харажатларининг минимал харажатлар билан максимал самарага эришиш, бюджет ажратмаларини ишлатишнинг мақсадли хусусияти, бюджет маблағларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш

ўлчами ва олдин берилган ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олиб бориш каби тамойиллар туради.

Мазкур назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда, давлат бюджети харажатларининг батафсил иқтисодий ривожланишга таъсирини, хусусан бозор иқтисодиётининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга имкон туғиладики, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг харажатлар таркибини кўриб чиқишни тақозо этади. Биз уни қуйидаги жадвалда келтириб ўтамыз.

2-жадвал

**Наманган вилоят бюджетининг 2013 йилги харажатлар таркиби,
% ҳисобида⁴**

№	Харажатлар номи	Салмоғи
1.	<i>Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари, ҳаммаси, шу жумладан:</i>	85
a)	Маориф	12,5
b)	Кадрлар тайёрлаш	50
c)	Маданият	1
d)	Фан	0,2
e)	Соғлиқни сақлаш	19
f)	Жисмоний тарбия ва спорт	0,8
g)	Ижтимоий таъминот	2

Жадвалдан кўриниб турибдики, Наманган вилоятининг 2013 йилги бюджет харажатларининг 85 фоизи ижтимоий-маданий эҳтиёжлар учун йўналтирилган, шундан маорифга 12,5 фоиз, кадрлар тайёрлашга 50 фоиз, маданиятга 1 фоиз, соғлиқни сақлашга 19 фоиз ва ижтимоий таъинотга 2 фоиз харажатлар сарфланмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг асосий харажатлари жорий харажатларга тўғри келади.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг молиявий базаси давлат бюджети бўлган муҳим давлат дастурига “Соғлом бола йили” давлат дастури ва Ўзбекистонг Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам киради. Республикамизда 2014 йилги бюджет тузиш вақтида, биринчи

⁴ Наманган вилоят Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

навбатда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устивор йўналишлари ҳисобга олинади.

Давлат бюджетининг тўла ҳажмда молиялаштириладиган биринчи навбатдаги харажатларига иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, стипендиялар, нафақалар, овқатланиш ва дори-дармон сотиб олишга сарфланадиган харажатлар киради. 2014 йилги Давлат бюджетда иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантириш миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устивор йўналишлар этиб белгиланган. Ижтимоий соҳани ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни аниқ йўналишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маориф ва соғлиқни сақлаш объектларининг оддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш, иш ҳақини ошириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўпайтириш воситасида кучайтирилди.

Агар ислоотларни дастлабки босқичида давлат томонидан пул тўловлари, турли имтиёзлар, дотациялар каби бевосита тартибга солиш усуллари орқали аҳоли кенг қатламини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш асосан қоида қилиб олинган бўлса, ҳозирги вақтда аҳоли турли қатламларига табақалаштирилган ёндашув ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатилишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Ислохотларнинг дастлабки йилларида ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизиида истеъмол бозорини асосий оиқ-овқат маҳсулотлари мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоялашнинг турли шакллари кенг фойдаланилди. Бунда иқтисодиётни субсидиялар билан таъминлаб туриш зарурияти иккита асосий сабаб билан боғлиқ эди, биринчидан, республика ҳукумати ўша даврда вужудга келган вазиятда аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни қўллаб-қувватлашини устивор даражали вазифа деб билади. Иккинидан, нархларни эркинлаштириш сиёсатини тадбиқ қилиш шароитида иқтисодиётда зарур

таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни излаб топиш керак эди.

Давлат харажатларидан бериладиган турли субсидиялар нархларни назорат қилиш ёрдамида аҳоли учун бозор муносабатларига ўтилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ларзаларнинг оқибатини енгиллаштиради. Айни вақтда нархларнинг эркинлаштирилиши бошланғич нуктаси бўлади. Хусусийлаштириш ва монополиядан холи бўлиш жараёнларининг қотиб қолган нархлар шароитида бошланиши мумкинлигини назарий жиҳатдан тасаввур этиш қийин. Муаммо фақат шундан иборатки, нархлар борасидаги эркинлаштиришнинг қандай тартибда ва кетма-кетликда амалга ошириш керак? Бу муаммонинг қониқарли даражада ҳал этишни кўп жиҳатдан мамлакатнинг ўзига хос хусусиялари қанчалик тўғри ҳисобга олишига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар аҳкаасининг “Нархларни эркинлаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори Ўзбекистонда нархларни эркинлаштиришга асос бўлди, бу қарорга мувофиқ, 1992 йил 10 январдан бошлаб республикада ишлаб чиқариш, техник мақсадлардаги моллар, халқ истеъмол товарлари, ишлар ва хизматларга нисбатан асосан шартномавий нархлар ва тарифларга ўтилди.

Республика ҳукумати аҳолини ҳимоя қилиш мақсаидда баъзи саноат моллариинг нархлари ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг айрим турларига тарифларнинг чеклаб қўйилган миқдорларини белгилади. Ишлаб чиқарувчиларга донни импорт қилиш, нон-ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича харажатларнинг бир қисини республика бюджетидан қопланадиган бўлди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг мактаб ўқувчилари ва талабаларга бепул нонушталар бериш ва итиёзли нархлар юзасидан вужудга келадиган зарарларни ҳам давлат маблағлари ҳисобидан қоплана бошлади. Бундан ташқари, кир совун, болаларга тегишли молларни ишлаб чиқариш ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлар учун дотация ажратиладиган бўлди.

Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, дароади чекланган аҳоли қатламини, ўқувчиларни, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва кўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Бошлнғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшга етмаган болалар учун, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёллар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талаларни имтиёзли овқатлантириш каби имтиёзлар ҳам бюджет маблағларидан қопланди. Коммунал хизматлар, шаҳар электр транспортида юриш ҳақини тўлаш бўйича ва ёш оилаларга имтиёзлар амал қилди.

Ижтимоий ёрдам аҳолининг энг кам таъинланган табақаларини, яъни объектив сабабларга кўра ўзини-ўзи боқа олмайдиганларни-болалар, қариялар, ногиронлар ва ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлаб чиқаришда ишламайдиган бошқа шахсларни кўллаб-қувватлаш учун мўлжалланади. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 2010-2013 йиллардаги таркибини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг таркиби, фоиз ҳисобида⁵

№	Аҳоли гуруҳлари	2010	2011	2012	2013
1.	Меҳнат ёшига етмаганлар	42,7	42,6	42,5	41,9
2.	Меҳнат ёшидагилар	49,6	49,7	49,8	50,2
3.	Меҳнат ёшидан чиқиб кетганлар	7,7	7,7	7,7	7,9
4.	Жами аҳоли	100	100	100	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли аҳоли республика аҳолисининг ярмидан камроғини ташкил этади. Бунинг устига ана шу 50,2 фоиз аҳолининг деярли тўртдан бир қисми ишлаб чиқаришда машғул эмаслигини ҳисобга олсак, ижтимоий соҳа эҳтиёжлари ҳажмини ҳамда иқтисодиётга тушаётган оғирлик даражасини тасаввур қилиш қийин эмас.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Аҳоли орасида болаларнинг кўплиги Ўзбекистон учун хос бўлган бошқа хусусият-оилаларнинг катталигидан далолат беради. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўтказган тадқиқот шуни кўрсатадики, кам таъминланганлик учун нафақага муҳтож оилаларнинг 80-90 фоизи болали оилалардир.

Аҳоли ёшининг таркибий хусусиятлари республикадаги барча ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатмоқда, муаммоларни чуқурлаштирмоқда, бу эса ижтимоий ёрдам пенсия таъминоти, маориф ва соғлиқни сақлаш жараёнларини ислоҳ этишнинг устивор йўналишлари эканлигидан далолат беради.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини яхшилаш самарасини кўтариш қатор муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ экан, аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик муҳидир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилган чора-тадбирлар унинг дароадлар даражаси бўйича кескинлашувчини олдини олишдир.

Нарх-навонинг эрикнлаштирилиши оқибатларини юмшатиш мақсадида минимал иш ҳақи миқдори, пенсия ва стипендиялар мунтазам ошириб бирилиши жон бошига тўғри келадиган пул дароадлари бўйича аҳолининг табақалаштиришга таъсир кўрсатади.

Маълумки, нарх ошиши билан аҳоли пул даромадлари ва нархлар ўртасидаги тафовут ортиб боради. Натижада аҳолини хард қобиляти пасаяди. Бу маълум салбий оқибатларга олиб келади. Биринчидан, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди, иккинчидан, иқтисодиётда турғунлик вазияти юзага келади. Пул даромадлари ва нархлар орасидаги тафовут ортиб кетиши аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммосини келтириб чиқаради. Нархларнинг узлуксиз ошиши натижасида бюджет ҳисобидан иш ҳақи, нафақа, стипендия, пенсия оладиган ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимояга янада муҳтожроқ бўлиб қоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг мақсади, давлат тасарруфидан чиқарилган корхона, ташкилот ва муассасалардан ишлаб

чиқариш технологияларини такомиллаштириш орқали улардаги ишчи-ходимлар иш ҳақларини тез суръатларда ўсиб бораётганини ҳисобга олиб, бюджет муассасалари ходимларининг ижтимоий ҳимоялаш мақсадида имкон даражасида уларнинг иш ҳақларини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш юзасидан ислохотлар амалга оширилаётган шароитда иқтисодий муносабатларнинг барча соҳасида бўлгани каби молия тизимида ҳам чуқур ўзгаришларини амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Молия тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши ва харажатлардан янада самарали фойдаланиш, маҳаллий бюджетлар билан Республика бюджети ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириш, маҳаллий бюджетларни ижтимоий соҳаларни ривожлантиришдаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради.

Маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий соҳаларни ривожлантиришдаги ролини ошириш бўйича хориж тажрибаси ни ўрганиш Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари ривожланишида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида уҳим аҳамиятга эга, чунки бу ислохотларнинг бир хил соҳадаги пировард натижаси, маҳаллий бюджетларни бюджет жараёнларидаги аҳамиятини ошириш орқали ижтимоий соҳаларни маблағ билан таъминлаш ва уларни ривожлантиришдан иборат.

Ижтимоий соҳаларни ҳамда аҳолини ижтимоий ҳиоя қилишнинг аниқ йўналиши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маориф ва соғлиқни сақлаш объектларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқаришни молиявий жиҳатдан таъинлаш, иш ҳақини ошириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам пулини кўпайтириш воситасида кучайтирилди.

Ўзбекистон бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида давлат бюджетининг ҳамда маҳаллий бюджетларининг мамлакатни, жумладан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ортоқда. Шунини таъкидлашимиз зарурки, республикаизда ижтимоий ва иқтисодий

ислохотлар янада чуқурлашаётган даврда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Молия соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджетларни ҳудудлариинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради.

Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилаётган ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини мустаҳкам эмаслиги туфайли бюджет ташкилотларининг маблағларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплангани йўқ. Шу билан биргаликда бюджет муассасаларининг маблағ билан таъминланишини такомиллаштириш нафақат бюджетларнинг даромадларини кўпайтириш билан балки молиялаштирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ҳам талаб қилади.

Шундай қилиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг роли, бу соҳаларни молиялаштириш амалиётини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисобварағидаги бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимликларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин, деб кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра маҳаллий бюджетлар даромадларининг харажатдан ортган қисмини қўшимча харажатларга йўналтирилмоқда. Лекин ижтимоий объеклари асосан маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилишига қарамасдан маҳаллий бюджетлар даромадларининг харажатлардан ортган қисмини деярли жуда кам миқдори ёки умуман ижтимоий соҳа харажатларига йўналтирмаслик ҳолатлари мавжуд. Бизнинг фикримизча, ижтимоий соҳа харажатлари

маҳаллий бюджет харажатларида юқори салмоққа эга эканлигини инобатга олиб, маҳаллий бюджетлар даромадларининг харажатлардан ортган қисмини ижтимоий соҳа харажатларига йўналтириш лозим;

- маҳаллий бюджетлар ҳудудларда ижтимоий соҳани сақлаш ва уларни ривожлантиришда миллий даромадни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалар ўртасида тақсимланишида ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Давлат ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсатини бевосита маҳаллий бюджетлар орқали амалга ошириб бориши натижасида маҳаллий бюджет харажатларининг асосий қисмини ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари ташкил қилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ва Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат бюджети томонидан амалга оширилаётган ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилиши сабабли жами давлат бюджети харажатлари таркибида маҳаллий бюджетлар салмоғини ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз;

- вилоятлар маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджет харажатларига ўзгартириш киритиш, яъни маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларига капитал таъмирлаш ва қаттиқ жиҳозлар сотиб олиш харажатлари учун ажратилган маблағларни марказлашган ҳолда молиялаштиришга чек қўйиш, бу харажатларни туман маҳаллий бюджетлари ихтиёрида қолдириш, туман маҳаллий бюджетларни томонидан ижтимоий соҳа харажатларини тўлиқ молиялаштириш имкониятини беради ва ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда туман, шаҳар маҳаллий бюджетлари мустақамлиги кенгайтирилади;

- Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўплаган, республика шароитида тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбўл тажрибалардан самарали фойдаланиб, ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва

сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир;

- маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари банкларда ҳисобрақамини очиб, кўшимча даромад топиш манбаларини йўлга қўйгунга қадар бюджетга тўланадиган солиқлардан озод қилиш, муддатини тугатилганлиги уларни кўшимча даромад олишга ва бюджетдан ажратилаётган маблағларни иқтисод қилишга бўлган қизиқиши сусайтирилмоқда. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет муассасаларининг асосий қисми маориф, соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли эканлигини ҳисобга олиб, солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш орқали ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш билан боғлиқ масъулиятларни янада кучайтиришни ҳамда бюджет амалиёти самарадорлигини ошириш имкониятини беради, деб ўйлаймиз.

2. Давлат бюджети ижтимоий соҳалар харажатларини таркиби ва уларни молиялаштириш хусусиятлари таҳлили

Ҳукуматимизнинг ижтимоий соҳаларга сарфланаётган харажатлари ҳар бир жамият аъзосининг тўлатўкис ў имкониятларидан фойдаланиши учун хизмат қилади. Бюджет харажатлари нафақат жамиятга таъсир этади, балки бу харажатлар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ижтимоий соҳаларни молиялаштириш учун шароит яратади. Шу билан биргаликда соғлиқни сақлаш харажатлари аҳолини ишга лаёқатлилигини ва фан-техникани ривожлантиришни таъминлайди. Ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассасаларига қиилнадиган харажатлар сеталар асосида аниқланади, бир бирликка ҳисобланган меъёрлар асосида бюджетдан меъёрий усули билан

ҳисобланади. Ижтимоий соҳа бўйича давлат харажатлари тармоқлараро белгиланган тўрт гуруҳга бўлинади.

Ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассалаларининг харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади. Шу муносабат билан биз мазкур тадқиқотими доирасида маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибида ижтимоий соҳаларни салмоғи ва динамикасини кўриб чиқамиз.

4-жадвал

**2011-2013 йилларда Наманган шаҳри бўйича ижтимоий соҳа
харажатлари таркиби ва динамикаси⁶**

№	Йиллар	2011		2012		2013	
	Харажатлар	Миқдори, млн.сўм	Салмоғи, %	Миқдори, млн.сўм	Салмоғи, %	Миқдори, млн.сўм	Салмоғи, %
1.	Ижтимоий соҳа харажатлари, шу жумладан	671571,1	100	798585,4	100	909804,7	100
2.	Халқ таълими	520880,8	77,6	607282,9	76,04	698664,9	76,8
3.	Соғлиқни сақлаш	145795,3	22,3	185763	23,8	204759,8	23,1
4.	Маданият	3757,8	0,06	4226,4	0,06	4857,5	0,05
5.	Жисмоний тарбия ва спорт	116	0	148	0	148	0
6.	Ижтимоий таъминот	1120,7	0,02	1345	0,02	1507,7	0,02

Маълумки, ишлаб чиқариш ва халқ таълими ўзаро боғланган жараёнлардир. Моддий ишлаб чиқаришнинг талаб ва имкониятларига боғлиқ ҳолда ривожланаётган маориф жамиятнинг меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир қилади, аynи пайтда замонавий ишлаб чиқариш эса аҳолининг умумий ва махсус таълим маданиятини талаб қилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, замон талабларига мос малакали тиббий кадрлар

⁶ Наманган вилоят Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмокда. Сўнгги йилларда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2007 йил 19 сентябрдаги УПФ – 3923-сонли Фармони, “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2007 йил 2 октябрдаги УПК – 700-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳудудий ташкилотлари фаолияти ва структурасини ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2009 йил 29 мартдаги 80-сонли буйруғи бунинг ёрқин исботидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар	
Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида	Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида
Давлат санитария назорати тўғрисида	Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида
Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида	Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида
Психиатрия ёрдами тўғрисида	Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида
Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида	Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида
Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ) олдини олиш тўғрисида	Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунуни белгилаш тўғрисида	Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ва истеъмол қилинишининг олдини олиш тўғрисида

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов 2011 йил 26 ноябрда “Ўзбекистонда оналик ва болаликни асрашнинг “Соғлом она – соғлом бола” миллий модели” мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида сўзлаган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг миллий моделини яратишнинг пойдевори бу аввало соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилиши бўлди.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ушбу тизимнинг долзарб аҳамиятга молик масалаларидан бири бўлиб қолмоқда, шу сабабли республикаимизнинг энг чекка районларида яна 102 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Юртимизда ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида 14 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг 100 га яқин қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ва қонунлар асосида республикаимизда соғлиқни сақлаш, шу жумладан, олий тиббий таълим тизимини такомиллаштириш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш босқичлари (1990-2011 йиллар):

1. 1990-1998 йиллар – соғлиқни сақлашнинг миллий моделини ривожлантиришга асосларини шакллантириш босқичи;

2. 1998-2003 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони – соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича илк Давлат дастурини амалга ошириш босқичи;

3. 2003-2007 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сонли Фармони - соғлиқни сақлаш тизимида ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини ташкил этиш босқичи;

4. 2007-2011 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли Қарори - соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш босқичи.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соҳасида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини:

АВВАЛГИ ТИЗИМ:

- Туман марказий шифохонаси
- Туман шифохонаси
- Қишлоқ участка шифохонаси
- Қишлоқ врачлик амбулаторияси
- Фельдшер-акушерлик пункти

ЯНГИ ТИЗИМ:

- Туман марказий шифохонаси
- Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида Жаҳон банки инвестициялари жалб қилинган ҳолда, 1998-2011 йилларда “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида юртимиздаги 3192 та ҚВП умумий қиймати 76 миллион доллар бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

“Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида 570 та стоматологик асбоб-ускуна ҚВП ва кўп тармоқли поликлиникаларга етказилди. Қишлоқ аҳолисини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминотини яхшилаш мақсадида 811 та ҚВПда ижтимоий дорихоналар ташкил қилинди, 1056 та ҚВПга GSM стандартидаги стационар телефон ўрнатилди ва ҚВПларининг алоқа тизими билан таъминоти 97,7 фоизга етди.

Манзилли дастурга асосан, 2010 йилда 345 та ҚВП 3,2 миллиард сўм ҳомийлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирланди, 2011 йилда 343 та

ҚВП да 4,6 миллиард сўм маблағ ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини аҳоли жон бошига молиялаштириш механизмини тадбиқ қилиш натижасида ҚВПларини молиялаштириш 3 баробар ошди, натижада 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ҚВПга аҳоли қатнови 1 кишига нисбатан 3,9 дан 4,6 га ошди.

Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий анъана ҳамда кадриятларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жиҳатлар Конституциямизда, қолаверса, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда мазкур йўналишда қабул қилинган бир қатор дастурларда ўз ифодасини топган.

2011 йил 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида “Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди. Мазкур форумни ўтқазилдан кўзланган мақсад – болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими бошқарувининг давлат стратегиясини ҳамда Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш юзасидан давлат, жамоатчилик ҳамда қонун чиқарувчи органларнинг фаолиятини кучайтиришни такомиллаштиришдан иборат. Ўтган давр мобайнида юртимизда болалар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Алоҳида эътибор 14 ёшгача бўлган болалар ва фертил ёшдаги аёллар саломатлигига ва уларда касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларга қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб, таълим-тарбия, соғломлаштириш тизими тобора такомиллашмоқда.


Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. 2010 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ўн та етакчи давлат сафидан ўрин эгаллади.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази учун Япония ҳукуматининг 743 миллион йен (7,1 миллион доллар) миқдоридаги гранти ва Испания ҳукуматнинг 9,38 миллион доллар миқдоридаги кредити, вилоят филиаллари учун Ислон тараққиёт банкининг 33,8 миллион доллар миқдоридаги кредити ва туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 171 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари учун араб иқтисодий ривожланиш Қувайт фондининг 20,55 миллион доллар миқдоридаги кредити жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги ПҚ-1114-сонли қарорига кўра, 2009-2011 йилларда 698 та махсус автотранспорт сотиб олинди ва тизимнинг автотранспорт билан таъминоти 94 фоизга етди. Худудлардаги тез тиббий ёрдам машиналари 127 та ЭКГ аппарати, 35 та дефибриллятор ва 30 та сўрғич билан қўшимча равишда таъминланди.

2012 йилда мамлакатимизнинг 130 та туманидаги тез тиббий ёрдам бўлими ва шохобчасида 3,1 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.


2011 йилда тез тиббий ёрдам шохобчаларини таъмирлаш бўйича манзилли дастур асосида 1,3 миллиард сўм маблағ режалаштирилди ва 162 та шохобчада таъмирлаш ишлари якунланди.




4-расм. Шошинч тиббий ёрдам хизмати фаолияти

Юртимизда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази ташкил этилди.

2012 йил давомида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказларида жами 77945 нафар бемор даволаниб чиқди. Уларнинг 20062 (26,7 фоизи) нафари давлат бюджети ҳисобидан имтиёз асосда даволанган беморлар, 56550 нафари эса (73,3 фоизи) пуллик асосда даволанган беморлардир. Марказларда жами 22408 та операция ва диагностика муолажаси бажарилди, шундан 10664 таси (46 фоизи) – юқори технологиялар асосидаги муолажалардир. Бажарилган операциялар 2010 йилга нисбатан 1752 тага, юқори технологиялар асосидаги операциялар эса 914 тага ошди.



5-расм. Оналар ўлими кўрсаткичи (ҳар 100 минг онага ўртача).



6-расм. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи (ҳар 1000 нафар тирик тугилган болага ўртача).

Мамлакатимизда эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қатор йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмади. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатиغا эга бўлди. 2010-2011 йилларда Тожикистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, 6 босқичдан иборат

полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар даврида 20 миллиондан ортиқ 15 ёшгача бўлган болалар ҳамда Сурхондарё вилоятида 25 ёшгача бўлган шахслар эмлашдан ўтказилди.


Республикадаги 53 та туманлараро ОИТС диагностика лабораторияларида таъмирлаш ишлари бажарилди. ОИТСга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИТС диагностика лабораториясида давлат бюджети ҳисобидан 7,5 миллиард сўмлик замонавий лаборатория-диагностика асбоб-ускуналари ўрнатилмоқда.

2010 йилда 1,5 миллиондан ортиқ шахс ОИВ инфекцияси бўйича текширилди ва бундай тадбирлар 2008 йилга нисбатан 2 марта кўпайди.

Амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияга қарши самарали тадбирлар натижасида ўлат, вабо, сариқ иситма, куйдирги, парранда гриппи каби карантин ва ўта ҳавфли юқумли касалликлар, шунингдек, янги А (H1N1) гриппининг юртимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалиб кетишига йўл қўйилмади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда салкам 80 минг нафар шифокор ва 310 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатиб, шундан 72 мингдан зиёдини бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган врачлар, 300 мингдан ортиғини эса ўрта тиббиёт ходимлари ташкил этади. Ҳозирги вақтда юртимизда ҳар 10 минг аҳолига 25,7 нафар шифокор ва 106 нафар ўрта тиббиёт ходими тўғри келмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2011 йил 30 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида умумий амалиёт шифокорларини сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.



7-расм. Мамлакатимиз бўйича шифокорлар билан таъминланиш даражаси паст бўлган ҳудудлар (ҳар 10 минг аҳолига).

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида умумий амалиёт шифокорлари соғлиқни сақлаш тизимининг етакчи кучи ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам 1998 йилдан бошлаб умумий амалиёт шифокорлари тайёрланиб келинмоқда. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тиббий хизмат сифати юқори бўлган, молиявий захиралардан омилкорлик билан фойдаланиш имконини берадиган умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш тизимига ўтилиши тўғри танланган йўлдир.

Тор мутахассисларга нисбатан мавжуд эҳтиёжни қоплаш мақсадида олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказларда 2005 йилда клиник ординатура орқали 700 нафар тор мутахассис тайёрланган бўлса, бугунги кунда 1300 нафар тор мутахассис тайёрланмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун тайёрланган тор мутахассислар йиллар бўйича умумий ҳолда 57 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда қарийб 85 фоизга етди.

Тошкент тиббиёт академиясининг асосий вазифаларидан бири – мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида юқори малакали умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаб беришдан иборат.

Бу борада амалий кўникмаларни эгаллаш технологиялари такомиллаштирилиб, ўқув жараёнига кенг тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда қатор давлат дастурларини бажариш натижасида 1991 йилдан 2010 йилга

кадар оналар ўлими даражаси 2 баробар, болалар ўлими эса 3 баробар камайди. 1991 йилдан буён ўтган даврда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга етди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Президент қарорларини бажариш борасида аниқ режа асосида изчил иш олиб борилмоқда.


3. Ижтимоий соҳа харажатлари таркибида халқ таълими учун қилинадиган харажатлар таҳлили

Мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) асосида узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим қуйидаги йўналишлари ҳаётга татбиқ этилди:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
7. Мактабдан ташқари таълим.

Тизимда меҳнат қилаётган педагоглар сони ва уларнинг маълумоти бўйича ушбу рақамларга эътибор беринг.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли авлодни камол топтиришга хизмат қилмоқда.



1. Мактабгача таълим йўналиши. Бу йўналиш халқ таълими тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. Унда 2 ойликдан 7 ёшгача бўлган болалар тарбияланишига эътибор берилади. Мактабгача таълим муассасаларининг оммавий туридан ташқари соғломлаштириш, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган махсус турлари ҳам барпо этилди.

Бугунги кунда республикамиз бўйича мактабгача таълим муассасалари сони 6135 тани ташкил этиб, уларга 508235 нафар (20,4 фоиз) бола қамраб олинган. Мактабгача таълим тизимида ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари тармоғи ҳам кенгайиб, қисқа муддатли гуруҳлар сони 1536 тани, саводхонлик марказлари 977 тани, якшанба мактаблари 1249 тани ташкил этмоқда. Юртимизда 80 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб, уларга 3281 нафар бола қамраб олинган.

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш билан соғлиқларини тиклаш учун 194 та махсус турдаги мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

2. Умумий ўрта таълим. «Таълим тўғрисида»ги (1997) Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ умумий ўрта таълим икки босқичдан иборат:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар)
- умумий ўрта таълим (I-IX синфлар)

Биргина халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари 15774 тани ташкил этади (8-расм).



8-расм.

Умумтаълим мактаб педагог-ўқитувчиларининг маълумоти, салоҳият даражаси 4-жадвалда ўз аксини топган.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими. Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминлангани 1991 йилда: педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони - 25540 нафар. Шунданфан доктори, фан номзодлари-186 нафар, олий маълумотли ўқитувчилар – 19767 нафар. Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони 156 та, хунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқитувчилар умумий сони 17562 нафар эди.

2012 йилга келиб, юртимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-хунар коллежлари) сони 1536 та. Шундан замонавий типдагиси 1413 та; мослаштирилгани 123 та, академик лицейлар сони – 142 та, касб-хунар коллежлари сони – 1394 та.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагог ва муҳандис-педагогларнинг умумий сони 111881 нафар. Шундан фан докторлари - 96

нафар, фан номзодлари - 1105 нафар, олий маълумотли ўқитувчилар - 101545 нафар.

6-жадвал

Умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг маълумоти тўғрисида ҳудудлар кесимида маълумот										
Гуруҳлар	Ҳудудлар	Жами ўқитув- чилар сони	Шундан аёллар	%	жами ўқитувчилар сонидан					
					Олий маълумотли	%	Туталланмаган олий маълумотли	%	Ўрта махсус маълумотли	%
I	Жиззах вилояти	18072	10506	58,1	14441	79,9	341	1,9	3290	18,2
	Сирдарё вилояти	9726	6735	69,2	8538	87,8	64	0,7	1124	11,6
	Тошкент вилояти	28829	22204	77,0	22283	77,3	258	0,9	6288	21,8
	Тошкент шаҳри	15904	14307	90,0	14402	90,6	424	2,7	1078	6,7
II	Бухоро вилояти	24971	18698	74,9	19859	79,5	26	0,1	5086	20,4
	Навоий вилояти	14983	10781	72,0	12428	82,9	59	0,4	2496	16,7
	Самарқанд вилояти	50157	32462	64,7	35218	70,2	177	0,4	14762	29,4
III	Андижон вилояти	33692	26072	77,4	26941	80,0	162	0,5	6589	19,6
	Наманган вилояти	28945	20107	69,5	23087	79,8	150	0,5	5708	19,7
	Фарғона вилояти	40631	30334	74,7	31424	77,3	431	1,1	8776	21,6
IV	Қашқадарё вилояти	51338	31775	61,9	30719	59,8	98	0,2	20521	40,0
	Сурхондарё вилояти	39868	31651	79,4	23716	59,5	63	0,2	16089	40,4
	Қорақалпоғистон Республикаси	32657	25568	78,3	23781	72,8	49	0,2	8827	27,0
	Хоразм вилояти	25567	19722	77,1	19027	74,4	38	0,1	6502	25,4
	ХТВ тасарруфдаги муассасалар	630	474	75,6	614	97,5	2	0,3	14	2,2
ЖАМИ		416188	300231	72,1	306832	73,7	2335	0,6	107021	25,7

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитилаётган касбларнинг умумий сони - 251 та. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчиларнинг умумий сони - 1036104 нафар⁷.

4. Олий таълим. (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади). Республикамизда олий таълим муассасаларининг 1991 ва 2012 йиллардаги ҳолати 7-жадвалда акс эттирилган.

⁷ Таълим-тарбия истиклол кўзгусида // Маърифат, 2010 йил 30 сентябрь.

1991 йилда	2012 йилга келиб
ОТМ филиаллари сони - 53 та Шундан: университетлар - 6 та; институтлар - 42 та; филиаллар - 5 та.	ОТМ филиаллари сони - 76 та Шундан: университетлар – 19 та; институтлар - 36 та; академиялар – 2 та; консерватория – 1 та; ракс ва хореография олий мактаби - 1 та; ОТМлари филиаллари - 11 та; Хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари – 6 та.

2012 йилга келиб, юртимиздаги олий таълим муассасалари (ОТМ филиаллари) сони – 76 та. Шундан: университетлар – 19 та, институтлар – 36 та, академиялар – 2 та, консерватория – 1 та, ракс ва хореография олий мактаби – 1 та, ОТМлари филиаллари – 11 та, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари – 6 та.

- Ўтган давр мобайнида олий ўқув юртлари сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртларида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда (“Халқ сўзи”, 2012 йил 18 февраль).

- Олий таълимнинг 254 та бакалавриат йўналиши ва 719 та магистратура мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, улар асосида намунавий ўқув режалари ва фан дастурлари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

- 2004-2012 йиллар давомида 1200 га яқин ўқув адабиёти нашр этилди.

- Ўқув адабиётларининг замонавий янги авлодига қўйиладиган талаблар дунё тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. Фанлар бўйича ўқув-методик мажмуанинг замонавий модели яратилди. Профессор-

ўқитувчилардан иборат муаллифлар таркиби шакллантирилди. Улар томонидан 2550 та фан йўналиши бўйича ўқув-методик мажмуа яратиш ишлари олиб борилмоқда.

- Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида 22332 та компьютер мавжуд бўлиб, ҳар 100 нафар талабага 8,2 та (2004 йилда 4,2 та) компьютер тўғри келишини таъминлашга эришилди. 9 та олий таълим муассасасидаги ахборот технологиялари марказлари замонавий видеоконференция ускуналари билан жиҳозланди.

- Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги мавжуд 262 та кутубхона негизида ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ташкил этилди. Барча АРМлари замонавий компьютер техникалари ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозланди.

- Олий таълим муассасаларида 1500 дан ортиқ электрон дарслик ва ўқув қўлланма яратилди, кутубхона тизимини автоматлаштириш ва электрон каталоглар яратиш бўйича лойиҳалар 44 та олий таълим муассасасида амалга оширилди.

- Аспирантура ва докторантурада таҳсил олаётган тадқиқотчилар сони 2004-2009 йиллар давомида қарийб 1,6 баробар ошди. 2009 йил кўрсаткичлари бўйича (2004 йилга нисбатан) номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоялари сони 12,9 фоиз, ўз муддатида ҳимоя қилган аспирант ва докторантлар сони 4,3 фоизга ошди.

Давлат илмий-техник дастурлари доирасида жами 5,8 миллиард сўмлик 415 та илмий лойиҳа амалга оширилмоқда, бу эса 2004 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар кўпдир. Хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган илмий ишлар ҳажми 2004-2009 йиллар давомида 3,3 баробар ошган (2004 йилда 546,3 миллион сўм бўлган бўлса, 2009 йилда 21192 миллион сўмни ташкил этган).

Мустақиллик йилларида янги давлат барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб, кенг

кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш вазифаси мустақилликка эришган биринчи кунларданок ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалаларга айланган эди. 1997 йили ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниши ва унинг амалга оширилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. 2009 йилдан бошлаб юртимизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим олиш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини бермоқда. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 1200 нафарга яқин педагог кадрлари 1999-2007 йиллар давомида Буюк Британия, Германия, Япония, Дания, Австралия, Жанубий Корея каби мамлакатларда бевосита малака ошириб қайтдилар. Япониянинг ЛСА агентлиги лойиҳаси асосида 9 та касб-хунар коллежида малака ошириш марказлари ташкил этилган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, тингловчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда.⁸

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари 82 та лаборатория хонаси, 16 та лингафон синфи, 988 та замонавий компьютер ўрнатилган 75 та компьютер синфи, «Ўқитувчи 30 (60)» тизими билан жиҳозланган 11 та синф, 17 та электрон доска билан таъминланди.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида малака ошириш тизими янада такомиллаштирилди, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сурхондарё, Сирдарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги малака ошириш институтлари учун ўқув ва ётоқхона бинолари ажратилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Бугунги кунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стаж, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «режали-мажбурий» тизимидан «йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.

Ўзбекистон Республика Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2011 йил 20 май) бу борада дастуриламал бўлди. Мамлакатимиздаги ёш, истиқболли мутахассислар дунёдаги етакчи илмий ва таълим марказларида бевосита малака оширмоқда. 2016 йилга қадар бу борада аниқ чора-тадбирлар жорий этилмоқда. Хусусан, стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг хорижда малака ошириши 1,5 марта, магистр ҳамда ёш ўқитувчилар учун эса 1,7 марта кўпаяди. Шу маънода, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш тизими ҳам ислоҳ этиляпти.

⁸ Матқурбонов Қ. Муаммолар қандай бартараф этилади. «Маърифат», 2008 йил 20 декабрь.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳлашича, юртимизда педагогик кадрлар малакасини ошириш бўйича 45 та муассаса мавжуд. Эндиликда улар 5 та ҳудудий ҳамда 10 та тармоқ малака ошириш муассасасига айлантирилади. 2012 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳрининг ўзида малака ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этадиган илмий-методик бош марказ ишга туширилмоқда. Ҳудудий малака ошириш муассасаларида бакалаврият ва магистратуранинг барча йўналишларида ўтиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар, яъни ўқув режаларининг биринчи блок фанларидан ҳамда иккинчи блок фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар малака ошириши мўлжалланмоқда. Тармоқ малака ошириш муассасалари умумкасбий ва мутахассислик фанларидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун режалаштирилмоқда. Илмий-методик марказ эса уларнинг ишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради. Шунингдек, у кадрлар тайёрлаш масаласида хорижий тажрибани ўрганиб, умумлаштириб, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларига татбиқ этиш билан шуғулланади. Ислохотлар жараёнида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимига бир қанча янгиликлар жорий қилиниши ҳам кутилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда биринчи марта олий таълим муассасаларидаги ёрдамчи ўқув ходимларининг малакасини ошириш тажрибаси йўлга қўйилади. Дастур доирасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар қаторида уларни янги ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилган. Демак, ёрдамчи ўқув ходимларининг малакаси ҳам шунга яраша бўлиши керак. Педагог кадрларнинг малакасини оширишда уларнинг: 1) компьютер технологиялари; 2) ингилиз тилини чуқур ўрганишига алоҳида урғу берилади. Янги турдаги малака ошириш муассасалари ишини ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилмоқда.

Дастурга мувофиқ, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-

тадбирлар мажмуи ҳам тасдиқланди. Олий таълим муассасаларида ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, 14 та олий таълим муассасасида замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил қилиниб, яна 296 та лаборатория қайта жиҳозланади. Бу мақсадларга жами 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Режага киритилган 15 та замонавий илмий-тадқиқот лабораториясидан 2 таси Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатади. 7 таси ҳудудий университетлар базасида очилади. Бундай лабораториялар энг сўнгги талаблар асосида тўлиқ жиҳозланибгина қолмай, фаннинг долзарб муаммолари билан янада мукамал шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратади. Масалан, Қорақалпоқ давлат университетида Оролбўйи минтақаси биопотенциали бўйича экофизиологик тадқиқотлар, Қарши давлат университетида табиий бирикмалар ва полимерларнинг спектроскопик тадқиқотлари, Урганч давлат университетида ресурсларни тежовчи қишлоқ хўжалиги технологияларини, Тошкент Кимё-технология институтида энергия тежовчи қурилиш материалларини яратиш бўйича, Тошкент тиббиёт академиясида эса тиббий-генетик, молекуляр-хужайравий, фармакологик ҳамда биологик тадқиқотлар олиб бориш имконини берувчи замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилади.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 76 олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингдан ошиқ талаба билим олмоқда.

Республикамиздаги умумтаълим мактаблари орасидан замонавий компьютер техникаси ва унинг қурилмалари билан жиҳозланган, тажрибали информатика фани ўқитувчиларига эга бўлган 2467 та таянч мактаби танлаб олиниб, уларда 2011 йил давомида умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган барча фан ўқитувчиларининг ушбу йўналиш бўйича

малака ошириши белгиланган эди. Бу борадаги ишларнинг дастлабки босқичида 2500 нафарга яқин тренер тайёрланди. 72 соатлик (2 ҳафталик) ўқув курсларига юртимиз бўйича 411 мингдан зиёд (97,6 фоиз) ўқитувчи жалб этилди.

8-жадвал

2012 йилда олий таълим муассасаларига киришда тест синовларида абитуриентларнинг 7 та фан бўйича (она тили, тарих, математика, физика, кимё, биология, инглиз тили) ўртача самарадорлиги			
Гуруҳлар	Худудлар	7 та фан бўйича умумий самарадорлик	Республикадаги ўрни
I	Жиззах вилояти	32,15	13
	Сирдарё вилояти	31,06	14
	Тошкент вилояти	35,23	7
	Тошкент шаҳри	36,55	4
II	Бухоро вилояти	40,38	1
	Навоий вилояти	32,98	10
	Самарқанд вилояти	35,44	6
III	Андижон вилояти	32,96	11
	Наманган вилояти	34,37	8
	Фарғона вилояти	35,68	5
IV	Қашқадарё вилояти	37,26	2
	Сурхондарё вилояти	32,77	12
	Қорақалпоғистон Республикаси	34,15	9
	Хоразм вилояти	36,77	3

Аммо, таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш, уларни Ziyonet тармоғига улаш бўйича қилинаётган кенг қамровли ишларга қарамасдан, айрим ҳудудларда яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хусусан, фан ўқитувчиларининг АКТдан фойдаланиш малакасини ошириш бўйича белгиланган ўқув режа Жиззах вилоятида 87 фоиз, Қашқадарё вилоятида 91 фоиз, Сирдарё вилоятида 92 фоиз, Андижон вилоятида 95 фоиз, Тошкент шаҳрида 95 фоиз, Хоразм вилоятида 96 фоизга бажарилган бўлса, юртимиз бўйича энг паст кўрсаткичлар Тошкент вилояти Оҳангарон тумани, Янгийўл тумани, Навоий вилояти Учқудуқ тумани, Хоразм вилояти Хонқа тумани, Сирдарё вилояти Сардоба тумани, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида кузатилган.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислох этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

ДТСларини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ҳам юқорида зикр этилган дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Яқин 5 йил ичида олий таълим муассасалари учун фан ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда 400 та янги дарслик, 800 та ўқув-услубий қўлланма яратилади. Буларга қўшимча тарзда яратиладиган 6 мингдан зиёд ўқув-методик комплекслар олий таълим жараёнига мультимедия ўқув воситалари ҳамда масофадан туриб ўқитиш усуллари жорий этиш имконини бермоқда.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари битирувчиларига қатъий талаб қўйилмоқда: 1) улар замонавий компьютер ва ахборот технологияларини; 2) хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал билиши керак. Бу жиҳатдан ўқув дастурларини ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш кўзда тутилган.

Талабаларнинг халқаро таълим ресурсларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида яқин йиллар ичида олий таълим муассасалари учун битирувчи замонавий оптик толали ягона компьютер тармоғи ишга туширилади. Юқори тезликдаги Интернетга уланувчи ушбу тармоқ ёрдамида мамлакатимиз ҳамда хориждаги таълим муассасалари билан алоқа боғлаш, видео-конференциялар ўтказиш мумкин бўлади.

2011 йилда умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, халқ таълими тизимида ўқув-лаборатория жиҳозлари билан

таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилиб, реконструкция қилинган. 151 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари белгиланган муддатда ва сифатли бажарилган. Таълим муассасаларида қурилиш-тиклаш ишлари сарҳисоб қилиниб, 2012 йилда бу борада амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 22 сентябрдаги ПҚ-1620-сонли қарори билан 2012 йилда жами 349 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга жами 155,3 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган⁹.

Бундан ташқари, уй-жой массивлари ҳудудида республика бўйича жами 14 та умумтаълим мактабининг (12,3 миллиард сўм) янгидан қурилиши ҳам режалаштирилган. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилиб, 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyonet электрон ахборот тармоғига уланган. Бу ўз навбатида ўқувчиларни интернет тармоғидаги турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш имконини беради.

Халқ таълими тизими учун ҳукуматимиз томонидан 2000 йилда бюджетдан 168 миллиард 660 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3,3 триллион сўмни ташкил этган (қарийб 20 баробар ортган). 2011 йилда эса тизимга 4,2 триллион сўм ажратилди, яъни бу миқдор ўтган йилга нисбатан ҳам 28 фоиз кўп демакдир.

Устоз ва мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга йўналтирилаётган Директор жамғармаси учун ажратилаётган маблағлар ҳам йилдан-йилга муттасил ошиб бормоқда. Шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурининг ижросини таъминлаш ҳамда халқ таълими тизимида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 2011 йилда 16,3 миллиард сўм бюджетдан ташқари маблағ топиш режалаштирилган бўлиб, мазкур режа амалда 20,9

⁹ Мусаев Ж. Устувор вазифалар белгиланди. // Маърифат, 2012 йил 1 февраль.

миллиард сўм (128,0 фоиз)га бажарилган. Ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 миллиард сўм (165,8 фоиз)га кўпдир.

2012 йилда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнларини мазмунан бойитиш, бунда раҳбар-ходимлар масъулиятини ошириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини халқ таълими тизимида ўрганишни ташкил этиш ва унда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини қатъий назоратга олиш, давлат педагогика институтлари, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини малакасини ошириш институтида ва барча ҳудудий малака ошириш институтлари педагогик жамоаси, тингловчи ва талабалари учун махсус факультатив ўқув курси дастурини тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 26, 27, 28, 30-моддалари талабларига асосан, умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига тўлиқ жалб этиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла кенгашлари ҳамда ота-оналар ҳамкорлиги зарур.

Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида (2012 йил январь) Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилган таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлилидан келиб чиқиб, республикаимизнинг барча жойларида моддий-техник базани асраш, ўқув жиҳозлари ва ускуналарида таълим-тарбия жараёнларида самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг зарурати ҳамда бу борада раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

- Мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

- Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида таълим муассасаларидаги жиҳозланган физика лаборатория хоналари сони 6962 тага, кимё лаборатория хоналари 6682 тага, биология хоналари 6682 тага ошди.

- Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди (“Халқ сўзи”, 2012 йил 18 февраль).

- 2004-2009 йилларда 1607 та мактаб ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактаб телефон алоқасига, 1076 та мактаб эса марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

- 1991-2003 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида 1 миллион 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

- Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида эса 2004-2009 йилларда республика бўйича 3 миллион ўқувчи ўринли 8501 та мактабда қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Жумладан, 351 116580 ўқувчи ўринли) янги мактаб биноси қурилди, 2470 та (851294 ўқувчи ўринли) мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 та (2044942 ўқувчи ўринли) мактаб капитал, 2072 таси эса жорий таъмирлашдан чиқарилди. Ушбу мақсадларга жами 1,4 триллион сўм сарфланди.

- Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси (16 фоиз) шаҳарларда, 6887 таси (81 фоиз) қишлоқ ҳудудларида, 288 таси эса (3 фоиз) бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу билан шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди.



8-расм. 2005-2011 йилларда умумтаълим мактабларини ўқув-лаборатория хоналари билан жиҳозлаш кўрсаткичлари.

- Таълим соҳаси ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилди. Масалан, кейинги 10 йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртларида иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп ўсди. Ўзбекистон таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этиб, бу тизимнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда (7-расм).

- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги, ишга қабул қилиш шартномаларини тузиш механизми шакллантирилиб, улар би-лан 13338 та шерикчилик шартномаси имзоланди.

- Микрокредитбанк томонидан битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш бўйича ишлар ташкил этилди. Биргина 2009 йилда 923 нафар битирувчига 962 миллион сўм миқдорида микрокредит маблағлари ажратилди.


2010 йил 28 сентябрда Президент фармойиши билан ташкил этилган, ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган, 2011-2015 йилларда олий таълим

муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган Дастур маъқулланди.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган.

Аввало, ушбу дастур 1) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган; 2) юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган; 3) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларни акс эттиради; 4) ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар-жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхатини ўз ичига олган; 5) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларининг илова қилинган рўйхатига эга; 6) Дастурни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун Махсус комиссия таркиби ташкил этилиши таъкидланган; 7) 2011-2016 йилларда олий таълим

муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатишни назарда тутди.



9-расм. Таълимга ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот (2011-2012 йиллар).

Президент қарорига кўра:

1. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига айлантирилди.
2. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига ўзгартирилди.
3. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди.

Қарорга кўра, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Қарорга кўра, Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича киритиладиган таклифларда: 1) ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификацияси такомиллаштирилиши; 2) “доцент” ва “профессор” илмий унвонларини бериш тизимининг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз малака ва педагогик маҳоратини мунтазам равишда оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш; 3) юқори малакали ўқитувчиларга касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш каби масалалар кўрсатиб ўтилган.

Таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, 2004-2011 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди.

Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд ДТСлари янгидан таҳрир этилиб, ўқув дастурлари модернизация қилинди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4- ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7- синфларда информатика фанларидан ДТС янгидан яратилди. Бошланғич синфларда билим, кўникма ва малака меъёрлари ишлаб чиқилди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТСлари янги таҳрирдан ўтказилганда қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

1. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синф учун алоҳида белгилаб берилди.

2. ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

Янги таҳрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларини босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказиш белгиланди.

Айтиш жоизки, таълим сифати ва самарадорлиги педагогнинг касбий салоҳияти, педагогик маҳоратига бевосита боғлиқ бўлгани сабабли «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янги тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган (8-расм).

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида малака ошириш тизими янада такомиллаштирилди, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сурхондарё, Сирдарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги малака ошириш институтлари учун ўқув ва ётоқхона бинолари ажратилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Абдулла Авланий номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Бугунги кунда, таълим муассасасининг буюртмасига асосан, педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «режали-мажбурий» тизимидан «йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.



10-расм.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2010 йил 10 ноябрда имзоланган Президент қарорининг моҳияти илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этишга қаратилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 20 майда имзолаган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу таълим босқичи тараққиётини янги босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу қарор билан 2011-2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастур тасдиқланди. Мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад – олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман, илм-фан соҳаси ходимларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораториялар ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада маблағ билан таъминлаш таклиф этилди.

Ёшларни жисмонан чиниққан, мард, билимли, қатъиятли, она Ватанини ҳимоя қила оладиган авлод сифатида камол топтириш учун уларнинг

жисмонан ривожланишга хизмат қиладиган масканларни барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш борасида катта ишлар қилинаётгани ёшларимиз олдида кенг имкониятлар очилишига асос бўлди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва 260 минг нафардан зиёд бола спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилди.

Жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли - **«Умид ниҳоллари»**, **«Баркамол авлод»**, **«Универсиада»** республика спорт мусобақалари орқали болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавийлиги таъминланди.

Ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда (11-жадвал).

**2009 – 2011 йилларда чоп этилган ва 2012 йилда чоп этилиши
режалаштирилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар**

Таълим тили	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил режа	
	Номда	Нусха	Номда	Нусха	Номда	Нусха	Номда	Нусха
Ўзбек тилида	45	19 730 044	66	28 294 921	47	14 900 597	28	9330946
Рус тилида	46	1 632 105	67	2 427 924	43	1 455 657	28	1270942
Қорақалпоқ тилида	48	475 655	69	649 162	49	366 029	30	243926
Қозоқ тилида	44	361 881	68	492 532	42	237 895	24	156123
Тожиқ тилида	44	369 852	68	540 869	42	289 095	24	195531
Қирғиз тилида	44	46 497	68	67 306	42	33 794	24	22122
Туркман тилида	44	42 828	68	63 204	42	32 664	24	21353
Жами	315	22 658 862	474	32 535 918	307	17 315 731	182	11 240 943

Жумладан, 2010 йилда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш доирасида 14 та умумтаълим мактаби, 4 та академик лицей, 99 та ўқувчи ва талабалар турар жойини, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Термиз давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги ўқув биноларини қуриш, Тошкент Молия институтининг ўқув корпусини қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. 2010-2011 йиллар мобайнида янги стандартларни ишлаб чиқиш, ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиши ва фаолият кўрсатишига эришиш, ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув фильмлари, ҳар бир мактабгача муассасани ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедия дастурларини намоиш қилиш учун ВУВ проигривателлари билан таъминлаш, умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланишини, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан 130 та спорт иншооти, 19 та сузиш ҳавзаси ва 65 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мамалакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизга, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизга ошди.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 та медалга (51 та олтин) лойиқ топилган бўлса. 2011 йилда 182 та медаль (66 та олтин) жамғарди (“Халқ сўзи”, 2012 йил 11 февраль).

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган. Юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

III боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳани молиялаш манбаларини такомиллаштириш

1. Бюджетдан молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш шароитида ижтимоий соҳалар тараққиёти хусусиятлари

Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳалар тараққиётида ривожланган давлатлар ижтимоий тажрибалари ҳамда миллий кадриятимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий соҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитларда ижтимоий соҳалар тараққиётини молиялаштириш тизимини бозор муносабатлари ҳос нуқтаи назардан такомиллаштириш лозим. Ислоҳотларни кейинги босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кам таъминланган оилаларга кўмаклашув тизими такомиллаштирилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизми шакллантирилди.

Бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ мақсадларда фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини, штат смета интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва маъсулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 3-сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарор қабул қилиниши билан бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётининг шаклланиши ижтимоий соҳалар тараққиётида ривожланган давлатлар ижобий тажрибалари ҳамда миллий кадриятларимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-маданий соҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётини молиялаштириш тизими ҳаёт қўяётган талаблар ва ушбу соҳанинг аҳамияти нуқтаи назаридан такомиллаштирилмоғи лозим. Ислохотларнинг кейинги босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кам таъминланган оилаларга кўмаклашув тизими такомиллаштирилади, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизми шакллантирилади, ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитларга (мувофиқ ҳолда, янги шакл-усуллар ва манбаларга эга бўлди).

Бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ мақсадларда фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини, штат смета интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши билан бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш, кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароит яратилди.

Янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш меъёрлар бўйича харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

1. Иш ҳақи, болали оилаларга нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар, пенсиялар.
2. Иш ҳақиға кўшимчалар.
3. Капитал қўйишчалар.

4. Бошқа харажатлар

Маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларини республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги харажат жадваллари ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлаш тегишли молия ташкилотларида белгиланган шаклдаги фармойиш билан ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан молиялштирилади.

Бюджет маблағлари бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар доирасида сарфланади. Бунда харажатларнинг I ва II гуруҳдари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади, IV гуруҳ бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади: овқатлантириш; коммунал хизматлар; дори-дармонлар; бошқа харажатлар.

Молия органлари ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга, Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган муассасаларда ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномага, Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ва бюджетдан ажратиладиган харажатларни маблағ билан таъмишгаш жараёнида жорий назорат амалга оширилади ҳамда бюджет ташкилоти тегишли харажатларни

қилгандан кейин асосий назорат қилиш амалга оширилади. Бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг белгиланган меъёрлари ва лимитлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномаси, тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрлари, тасдиқланган штат жадваллари, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибига ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 декабрдаги 152-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифномасига асосан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасаларининг харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш, улар-ни бюджетдан молиялаштириш ва харажатларнинг ҳисоб китобини юритиш ҳамда ҳисоботларни тузиш ва харажатлар устидан назорат қилиш ушбу клас-сификацияга биноан бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли-гининг 1999 йил 9 декабрдаги 230-сон «Давлат бюджети харажатлари 2000 йил бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа асосан 2000 йил 1 январдан Давлат харажатлари ушбу буйруққа асосан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қўшма 861-сон «Юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари тўғрисида»ги буйруққа асосан 2000 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги бюджет ташкилотлари ва муассасаларига юридик шахс мақоми берилиши мумкин.

Маориф соҳада:

- ўқувчилари 400 тадан кам бўлмаган умумтаълим мактабларининг барча турлари, гимназиялар, лицейлар, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, болалар уйлари, академик лицейлар, коллежларга;

- ўқувчилари 200 тадан кам бўлмаган интернатларга;
- тарбияланувчилари 350 тадан кам бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига;
- вилоят ва туман миқёсидаги мактабдан ташқари муассасаларга;

Соғлиқни сақлаш соҳасида:

- касалхоналар, туғруқхоналар, поликлиникалар, диспансерларга;
- болалар уйлари, болалар санаторийлари, катталар учун санаторийлар;
- қишлоқ врачлик пунктлари.

Мазкур ташкилотларнинг юридик шахс мақомини олишлари учун албатта, моддий-техника базага, хўжалик фаолияти юриши учун шароитга, бухгалтер ва иқтисодчига эга бўлишлари керак. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

а) фаолият тури бўйича товарлар ва хизматлар ишлаб чиқиш ва сотишдан тушган маблағлар;

б) бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилаётган бинолари ва давлатнинг бошқа мол-мулкини ташкилотларга ижарага беришдан тушадиган маблағлар;

в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик ёрдами берилишидан шаклланадиган қўшимча даромадлар ҳисобланади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига «бюджет ташкилотини ривожлантириш» жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилди. Бу жамғарма маблағлари:

- аввало мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга;
- бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;
- ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотларининг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганлиги муносабати

билан пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзнинг бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади. Бюджет ташкилотида кредиторлик қарзлар мавжуд бўлмаса, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг қолган мабъағлари тушган барча маблағларнинг 85 фоизи товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларни ўрнини тўлдиришга ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, 15 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси бюджет ташкилотини моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага бериш» тўғрисидаги 2000 йил 7 январдаги Низомга асосан ҳуқуқий шахс мақомига эга ташкилот ва муассасаларда вақтинча фойдаланилаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи қолади, қолган 50 фоизи маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилади. Ижара объектшга бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш қуроллари транспорт воситалари ва бошқалар киради.

Ижара субъектлари ҳуқуқий шахс мақоми берилган, балансида вақтинча фойдаланилмаётган ижара объектга эга бўлган бюджет ташкилоти ва давлат мулкини вақтинча фойдаланишга олган ҳуқуқий шахс киради. Ижарачи давлат мулкидан вақтинчалик фойдаланганлига учун шартномага асосан ҳақ тўлайди, бу мулкни сақланишига жавоб беради. Лекин бюджет ташкилоти балансида турадиган мол-мулк ижарага бериш натижасида уни ҳажми камаймаслиги, кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг сифати ёмонлашмаслиги шу бюджет ташкилоти хўжалик фаолиятини олиб бориш учун кўзланган молиявий мабъағларнинг ошишига олиб келиши мумкин .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июлдаги 358-сон «Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, давлат бюджети ҳисобидан маблағ бериш молия органларида рўйхатдан ўтказилган штатлар жадвали, харажатлар сметаларига асосланган ҳолда амалга оширилади. 2000 йилнинг 1 январидан бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар. Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилномаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади. Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади, сметанинг прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Бюджет ташкилотлари смета ва штатлар жадвалини «Молия вазирлигида ва молия органларида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги 849-сон Тартибига мувофиқ, тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни бюджет харажатлари лимитларига ва меъёрларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги молия органларида амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти маблағ билан таъминланадиган, бюджет параметрлари тасдиқланган пайтидан ҳисоблаганда, 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек, амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартишларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки

худудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

Даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашга йўналтирилаётган бюджет маблағларидан янада оқилона фойдапаниш, турғун даволанишдаги фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида 1997 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган кишилар учун овқатланиш тўлови жорий этилди. Турғун даволаниш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўлови фуқароларнинг шахсий маблағлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармаларининг ва бошқа ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига меҳнат жамоалари билан келишилган ҳолда, турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловини уларнинг тасарруфида қоладиган фойда ҳисобига амалга оширишга рухсат этилади.

Турғун даволаш-профилактика муассасаларида беморларнинг айрим тоифалари учун овқатланиш тўлови жорий этилиши, шунингдек адолини дори-дармонлар билан таъминланишининг тартибга солиниши муносабати билан бўшайдиган бюджет маблағларидан даволаш муассасаларини замонавий тиббий техника, асбоб-ускуналар, касалликларнинг олдини олиш ишларини кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш бошлангач бўғинларини ривожлантириш учун мақсадли фойдаланишга рухсат этилади. Айни пайтда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ва пулли тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини амалиётга жорий қилиш, бунда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мувофиқ ҳолда амалга ошириш, кўрсатиладиган тиббий хизматлар тури ва шакллари кенгайтиришни назарда тутиш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган континентнинг овқатланиши учун ҳақ тўлаши жорий қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарорига мувофиқ ишшаб чиқилган «Даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил қилиш ва унинг ҳақ тўлашнинг вақтинчалик тартибига асосан, овқатланиш тўлови учун маблағларни қабул қилиш учун даволаш-профилактика муассасалари ўзларига хизмат кўрсатувчи банкда алоҳида депозит ҳисобварақ очадилар.

Кўрсатилган ҳисобрақамга беморларнинг овқатланиши учун тўлов сифатида уларнинг шахсий маблағларидан тушувчи барча маблағлар, шунингдек, уларнинг овқатланиш ҳақини тўлаган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари келиб тушади. Кўрсатиб ўтилган ҳисобварақга имтиёзларга эга бўлган контингентларнинг овқатланиши учун тўлашга мўлжаллаган бюджет маблағлари ўтказилади.

Даволаш-профилактика муассасаси томонидан пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тасдиқланган Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартибига мувофиқ амалга оширилади. Овқатланиш ҳақини тўлаган шахсларга ҳар бир тўловдан сўнг дарҳол амалда тўланган тўлов миқдорини тасдиқловчи ҳужжат берилади. Пулли асосда овқатлантиришни ташкил этиш учун барча даволаш-профилактика муассасаларига бюджетдан белгиланган нормативларга мувофиқ бир йилга ҳисобланган айланма маблағлар ажратилди, масалан, Тошкент шаҳри даволаш муассасалари учун 34590,0 минг сўм маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил 25 декабрдаги «Тиббий-профилактик муассасалари кассаларига беморлардан овқат учун пул тушушини қабул қилиш ва уни инкассация қилиш тўғрисида»ги муваққат

тартибига мувофиқ, Тиббий-профилактика муассасаларида беморлардан овқат учун келиб тушган нақд пул маблағлари тушушиши муассаса кассалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 1996 йил 20 апрелдаги 5-рақамли «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш Тартиби» билан белгаланган тартибда қабул қилинади ва касса китобида ҳисоби олиб борилади.

Пул тушумларини инкассация қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги инкассация бирлашмасининг жойлардаги инкассация бўлимлари, банк муассасаси ва тиббий профилактика муассасалари томонидан Марказий Банкнинг 1995 йил 5 июндаги 23-рақамли «Ўзбекистон Республикаси Банк муассасаларида эмиссия касса ишларини юритиш, пул тушумларини инкассация қилиш ва қийматликларни ташиш йўриқномаси»нинг 16 иловаси билан белгиланган тартибда имзоланган шартнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш, жумладан, даволаш-профилактика муассасаларининг босқичма-босқич пуллик хизматлар кўрсатишга ўтказилишини таъминлади. Дунё андозаларига мос келадиган замонавий клиникалар барпо этишда чет эл инвестицияларини жалб этиш зарурияти белгилади. Бюджет маблағларини жалб этган ҳолда маблағ билан таъминланадиган даволаш профилактика муассасаларида доридармонларни харид қилиш, сотиш ва улардан белгаланган мақсадда фойдаланиш жараёни устидан назорат кучайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

- 1999 йил 19 февралда «Аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган турғун даволаш муассасаларига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилиш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан қоплаш тартиби»ни;

- 1999 йил 19 февралда 642-сон «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда улгуржи ва чакана ташкилотлар томонидан савдо устамаларининг қўлланиш тартиби»ни;

- 1999 йил 18 февралда 639-сон «Турғун даволаш муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини бериш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш тартиби»ни;

- 1999 йил 18 февралда 640-сон «Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган турғун даволаш муассасалари учун дори-дармонлар ва тиббий буюмлар харид қилиш тўғрисидаги низом» ишлаб чиқилди.

Мазкур қарорга кўра, 1989 йилнинг 1 февралдан бошлаб барча соғлиқни сақлаш муассасалари ва чакана дорихоналарда сотилаётган дори дармонлар ҳамда тиббиёт буюмлари учун ягона тартибдаги нархлар жорий қилинади. Шу мақсадда уларни истеъмолчиларга етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар учун 20 фоиздан ортиқ бўлмаган, чакана савдо учун 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чекланган савдо устамалари қўлланилиши қатъий белгилаб берилди. Натижада дори-дармонларни истеъмолчиларга асоссиз равишда ортиқча баҳоларда сотиш ҳолатларига чек қўйилади, бу борада ҳам қатъий назорат ўрнатилади. «Аҳолига бепул тиббий ёрдам бюджетнинг ижроси жараёнида ғазначиликдан фойдаланиш муқобил усулларида биридир.

Бюджет тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан солиқ тўловчиларнинг пулини иқтисод қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ғазначилик тизими яратилади. Бюджет маблағларидан фойдаланишда ғазначиликдан

фойдаланиш бюджет маблағларини шегисод қилиш, назоратни кучайтириш, солиқ тўловчиларнинг пулини талон-тарож қилиш ҳолларининг олдини олади. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг раҳбарларини ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга рағбатлантиради, шу пулларни кўпайтириш йўлини қидиришга шароит яратади. Бюджетнинг ғазначилик ижроси молия ходимларига шундай масъулият юклайдики, бюджет харажатларини режалаштириш, тақсимлаш ва бюджет маблағларидан фойдаланишнинг назорати умумлаштирилади.

Ғазначиликнинг асосий вазифаси - бюджет бажарилишининг қонуний, тўғри бажарилишининг назоратини таъминлайди. Бу ерда асос бўладиган ҳужжат - давлат бюджети, алоҳида ҳар бир вазирликнинг ҳар бир модда, ҳар бир трансферт тури кўрсатилган бюджет харажатларининг режаси бўлиши керак. Ғазначилик тизимининг қатор ижобий томонлари мавжуд. Биринчидан, бюджет билан бюджетдан маблағ олувчигача бўлган пулнинг ҳаракати қисқаради. Иккинчидан, бу тадбирнинг амалга оширилиши марказлашган бухгалтериядаги штатлар сонини қисқартириш имконини беради. Содда қилиб айтганда, ғазначилик тизими орқали бюджетдан фойдаланиш бугунги кунда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг ва назорат қилишнинг асосий воситаларидан биридир. Ғазначиликни амалиётга тадбиқ қилишни шароит талаб этади. Бунда мблия, ғазначилик органи, банк, солиқ инспекцияси, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи бир-бири билан яқин алоқада бўлган автоматлаштириш тизими яратилиши керак, асосий муаммо - ғазначиликнинг моддий-техник базасини яратишдир. Бюджетни қабул қилиш, ижро этиш, жорий назорат битта қўйда бўлиши керак, яъни ғазначилик тизими яхши самара бериши учун ягона тизим яратилиши керак.

Давлат молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар давлат харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутди. Давлат иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнларида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бунда давлат бюджети ислохотлар

энг муҳим дастакларидан бири вазифасини бажаради. Шу сабабли яқин келажақда давлат бюджетининг ижро этишининг ғазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ғазначилик шароитида бюджетнинг кассали ижроси деганда - ҳар бир бюджетнинг даромадлари мазкур бюджетни ижро этувчи тегишли кассада жамғарилиши тушунилади. Шунингдек, ушбу бюджетдан маблағ билан таъминланувчи барча ташкилотларга пул маблағлари ушбу касса орқали берилади.

Ғазначилик - давлат бюджетининг ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда махсус идора давлат солиқпарини йиғимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назоратни амалга оширилади, шунингдек, давлат ташқи ва ички қарзларини бошқаради қамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради. Бугунга келиб МДХ да ушбу тизим жорий қилинди ва айни пайтда улар мавжуд тизимни такомиллаштириш ишлари билан банд. Мана шу нуқтаи назардан қарасак, бизнинг республикаimizдаги ғазначилик тизими мукамал бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Демоқчимизки, маҳаллий бюджетлар бажарилишида ғазначилик тизимига ўтиш бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг, бошқарув органлари харажатларини қисқартиришнинг имкониятини берадиган тўғри йўллардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 ноябрдаги 514-сон «Республика корхоналари ўртасида ҳисоб-китоблар механизмини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини, Ўзбекистон Республика Молия вазирлигининг 1999 йил 14 декабр 232-сон буйруғини бажариш мақсадида бюджет ташкилотларига кўрсатилаётган коммунал хизматлар газ, электр энергияси бўйича коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК таркибидаги ташкилотлари билан ўзаро

ҳисоб-китобларни тартибга солиш мақсадида 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча ушбу алоқадор ташкилотлари билан ва бюджет ташкилотлари мониторинг қилинди. Мониторингнинг асосий вазифалари:

- мониторинг қатнашчилари томонидан бажарилишини таъминлаш;
- мониторинг қатнашчиларининг ўзаро қарзларни ва бюджетга ўз вақтида тўланмаган тўловларни қисқартириш юзасидан ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар киритиш;
- мониторингнинг қатнашчиларининг конграгентлар билан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўзаро солиштириш сифатли ва ўз вақтида ўтказилишини ҳамда натижалари умумлаштирилишини таъминлашдан иборат эди.

Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг коммунал хизматлар, газ, электр энергияси бўйича ҳар ойда дебиторлик ва кредиторлик ҳисоб-китоблар мониторингини амалга оширадилар. Мониторинг ўтказилиш муносабати билан бюджет ташкилотлари коммунал хизмат, газ, электр энергияси учун тузаётган шартномаларда ушбу хизматларга фақат лимит доирасида ойма-ой ҳисоб-китоб қилиниши, лимитдан ортиқча суммага кўрсатилган хизматга ҳақ тўланмаслиги шарт. Шу муносабат билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳам лимитдан ортиқча суммага хизмат қилмасликлари, ушбу шартномалар молия органлари рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Бюджет ташкилотларида газ, иссиқ ва совуқ сув, электр энергия ва бошқа хизматлар учун ўлчов асбоблари доимий бўлиши, шу ўлчов асбоби кўрсаткичи асосида коммунал тўловлар, газ ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Коммунал хизматлар, газ ва электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш, ўзаро қарздорликни камайтириш юзасидан банк, молия, солиқ ташкилотлари, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, “Ўзбекэнерго” ДАК биргаликда иқтисодий самара берувчи схемалар ишлаб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ ва Божхона кўмиталари томонидан ишлаб чиқилган 1999 йил 26 август 806-сонли «Республика бюджетининг режали харажатларини молиялаштиришни махсус схемалар асосида амалга ошириш учун Марказий Банкнинг қисқа муддатли мақсадли кредитларининг сарфланиши тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низом»га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика бюджети харажатларини пуллик махсус схемалар орқали молиялаштирмоқда. Махсус схемалар орқали маҳаллий бюджет ҳисобига тушган даромадлар ва у даромадларнинг шу куни юқори бюджет ҳисобига ўтказиб берилиши туфайли ўзаро ҳисоб-китоблар ўртасида пайдо бўладиган қарздорлик миқдоридаги маблағ мунтазам равишда юқори бюджет ҳисобидан қопланиб боради. Схема асосида ўтказилган даромадлар ҳисобига юқори бюджетнинг қуйи бюджетга ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорлиги янада ортиб кетиши мумкин эмас, яъни у маблағ беш кун ичида ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисобидан қуйи бюджетга қайта ўтказиб берилиши шарт. Шу ўринда айтиш мумкинки, иссиқ ва совуқ сув, газ, электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишда шахсий уйлардаги каби алоҳида дафтарчалар юритилса лимитдан ортиқ суммага ҳақ тўлашнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 13 декабрдаги 850-сон «Ижтимоий соҳа муассасаларини 2000 йилда бюджетдан молиялаштиришнинг вақтинчалик меъёри»га мувофиқ, бюджетдан молиялаштиришнинг вақтинчалик меъёри сифатида турли хилдаги ташкилотларда хизмат кўрсатилаётган контингент бирлигига ажратилган маблағлар миқдори ташкилотнинг сақлаш харажатларининг асосий катталиги қилиб олинган, иш ҳақи ва устама, жиҳозлар сотиб олишнинг харажатлари, капитал таъмирлаш харажатлари шулар жумласига киради.

Мутахассисларнинг фикрича, «бугунги кунда бюджет маблағларини мактабгача болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, касалхоналар, интернатлар, болалар уйлари, кутубхоналар маданият ва спорт каби

ижтимоий соҳа объектлари бўйича бюджет маблағларини тақсимлашнинг энг прогрессив ва рационал услубларидан бири меъёрий усулдир. Меъёрий усул аниқ ижтимоий стандартлар ва меъёрлар бўйича қилинган ҳисоб-китобларга асослананади. Бу усулнинг ижобий томони шундаки, ушбу меъёрлар ижтимоий соҳа муассасаларини сақлаш учун асос бўлган натурал кўрсаткичларга қараб тасдиқланади.

Таълим соҳасида-мактабгача таълим муассасаларида бир бола-кунга, соғлиқни сақлаш соҳасида-касалхоналарда бир ўрин-кунга харажатлар меъёри тасдиқланади. Қоидага мувофиқ, ижтимоий нормалар масалан, озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзгаришига қараб ўзгаради, албагга, шунга қараб молиявий меъёр аниқланади. Бунинг учун баҳо индекси коэффициент сифатида қўлланиладики, бу аниқ бир даврга молиявий меъёрни тасдиқлаш имкониятини беради. Меъёрий услубнинг хусусияти турли хилдаги ижтимоий соҳа муассасаларинигина ҳисобга олмасдан, шаҳардаги турли ҳудудлардаги туманларни турлича маҳаллий шаклланишига, тарихий урф-одатларга, саноат потенциалига ва аҳоли сонига эътибор берилади

Бизнинг фикримизча, меъёрий усул бюджет маблағларини тақсимлашнинг адолатли, ўзини оқлаган усулларида биридир, унинг асосида харажатлар ҳисоб-китобининг ягона тамойили, бюджет маблағларини истеъмолчиларига қаратилади. Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Россияда қўлланилаётган меъёрлар усули ўз-ўзини оқлади, эндиликда бу усулни янада такомиллаштириш мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатадики, маҳаллий бюджетнинг ижроси жараёнида бюджетнинг иккинчи даражали харажатларини маблағ билан таъминлаш оқибатида биринчи даражали харажатларга маблағ етишмаслик, бюджет маблағларини бир трансфертдан иккинчи трансфертга ўтказиш ва улардан ноқонуний тарзда фойдаланиш, иш ҳақи, хўжалик харажатлари бўйича белгиланган бюджет лимитларини ошириб юбориш каби муаммоларни келтириб чиқарилмоқда. Бу эса бюджет маблағларини маҳаллий бюджетлар параметрларида белгиланмаган харажатларни молиялаштириш, биринчи

даражада бўйган иш ҳақи, ижтимоий нафақа, стипендия, пенсия тўловлари, даволаш ва халқ маорифи муассасаларига дори-дармон, озиқ-овқат ёқилғи-энергия ресурсларини молиялаштира олмаслик каби салбий ҳолатларга олиб келмоқда. Юқоридаги ҳолларнинг олдини олиш мақсадида бюджет ижроси жараёнида бюджет ва штат-смета интшомига риоя қилишнинг назоратини; кучайтириш, ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнида асоссиз аралаштириш ҳолларини олдини олиш, бюджет маблағларини белгиланган параметрлар доирасида ва бюджет ташкилотлари сметасига мувофиқ қатъий тарзда сарфлашни таъминлаш ҳозрги замоннинг бош масаласи бўлиб қолмоқда.

2 Ижтимоий соҳани ривожлантиришда маҳаллий бюджет ролини оширишни такомиллаштириш

Маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий-иқтисодий функциялари уларнинг даромадлари ва харажатлари орқали тўлиқ амалга оширилади. Харажатларининг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги унинг маҳаллий бюджетлар орқали тегишли ижтимоий–зарурий эҳтиёжини қондириш билан ифодаланади. Маҳаллий бюджетларнинг зиммасидаги харажатлар харажатларнинг янги классификациясига кўра такомиллаштириши билан адреслилиги хусусиятини кучайтиради. Унга кўра илгариги умумий харажатлар сметасига келтирилган харажатлар туркими аниқ харажат турига бўлинади.

Маҳаллий бюджетлар “мустақиллиги” масаласини икки ҳил маънода мумкин оператив ва иқтисодий муостақиллик.

Оператив муостақиллик маҳаллий бюджетлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳасидаги ечимли тадбирларни босқичма-босқич молиялаштириш ҳамда бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботнинг оммавий тарзда тайёрланишини кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши жараёнида намоён бўлади.

Иқтисодий мустақиллик ҳақида маҳаллий бюджетлар бўғини даромад базасининг ўсиши ёки умуман бюджет параметрларининг олдинги йилларга нисбатан ўсаётганлигини орқалигина ижобий ҳулоса қилиб бўлмайди.

Маҳаллий бюджетларни шакллантириш асосларининг таҳлили маҳаллий бюджетларни келгусида ривожлантиришнинг куйидаги йўналишларини ажратиб кўсатиш имконини беради: ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиялаштиришда ҳамда мазкур ҳудудга жалб этиладиган давлат даромадларининг умумий ҳажмида маҳаллий бюджетлар таъсирини ошириши; ҳудудий ишлаб-чиқаришни кенгайтириш ва кучайтириш билан бевосита боғлиқ даромадлардаги маҳаллий солиқлар тизимини изчил такрор ҳосил қилиш, жумладан, маҳаллий ресурсларнинг тўлиқ ва самарали ишлатилишига, маҳаллий ҳокимият органларининг хўжалик ташаббускорлигини, жавобгарлигини ва мустақиллигини фаоллаштиришга алоҳида олинган ҳудуддаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳаллий бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини тўла миқёсда бажариш учун қайси бошқармага қарашли бўлишидан қатъий назар барча корхоналар учун маҳаллий бюджетларга маҳаллий солиқларни топшириш шарт шароитларини тўлиқ тенглаштириш; бошқа ҳудудларда жойлашган корхоналарнинг мазкур ҳудуддаги филиаллари, цехлари, участкаларининг ҳудудий ресурсларидан фойдаланиши ва бош ташкилотнинг ишчилар миқдорига нисбатан оладиган фойдасини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий солиқларнинг барча турларини тўлиқ қамраб олиши; маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришнинг солиқли манбаларини солиқсиз характердаги тушумлар (маҳаллий қарзлар амалиёти, кредит тизими ресурслари қисмларини жалб этиш) билан янада кенгроқ тўлдириши ҳамда катта ўлчамларда маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари маблағлар фондини шакллантириши, аниқ хўжалик ва ижтимоий масалалар ечимида ҳудуд корхоналаридан мақсадли шартнома суммаларини олиши ва ҳоказо. Ижтимоий соҳанинг муҳим таркибий қисми бўлмиш халқ таълими, тизими "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон

Республикаси қонуни" белгилаган бош масалалардан келцб чиқиб, маҳаллий бюджетлар олдиға улкан вазифаларни қўйди.

Миллий даромаднинг пасайиши муносабати билан таълим тизимини давлат бюджети ҳисобидан таъминлаш ҳам қисқарди. Аммо миллий даромаднинг пасайиши бошқа мамлакатлардаги каби сезиларли даражада бўлмаганлиги сабабли республикамызда таълим соҳасини молиялаштиришда юқори даражани нисбатан сақлаб қолди.

Республикада ақлий ёки жисмоний ривожланиш нуқсонларига эға бўлган болалар учун 86 мактаб (улар таркибида - 20,6 минг ўқувчи), 5 санаторий-мактаб (таркиби - 1,4 минг киши) фаолият кўрсатмоқда, шу жумладан, сил касалининг кучсиз ёки сўнаётган шакллари билан оғриган болалар ва ўсмирлар учун 4 мактаб, шунингдек, турли хасталикларға дучор бўлган болаларучун 17 санаторий шаклидаги мактаб-интернат (ўқувчилар контингенти 5,4 минг кишидан иборат), булардан 8 мактаб скалиоз билан касалланган болалар учун мўлжалланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда барча болалар учун лозим таълимнинг зарурий даражасини таъминлашға ҳаракат қилинмоқда.

Болалар ва ўсмирлар учун қўшимча таълим бериш ўсиб келаётган авлод тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди, шу боис у давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. 1999 йилда Ўзбекистонда 679 мактабдан ташқари муассаса иш олиб борди, уларда 586 минг киши иштирок этди. Кундузги мактаб ўқитувчиларини мактабдан ташқари муассасалар билан қамраб олиш 10,1 фоизни ташкил қилди ва 1991 йилға нисбатан бу кўрсаткич ижобий томонға силжимоқда. Мактаб ўқитувчиларини турли хилдаги мактабдан ташқари муассасаларға жалб қилиш болалар ва ёшлар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилишға ёрдам бериб, ҳар хил ноқонуний, ноинсоний ҳатти-ҳаракатлардан сакланишға имкон беради.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини амалға оширишни бир қатор халқаро за хорижий ташкилотлар қўллаб-қувватланмоқда (Жаҳон банки,

Осиё тараққиёти ва тикланиш банки, OECF, CTZ, TACIS, USAID ва шунга ўхшаш бошқа халқаро ташкилотлар). Улар Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ларсликлар, ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш, таълим тизимининг моддий-техник базасини яхшилаш, бошқарув самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг тажрибавий усуллари аналга оширишда ёрдам кўрсатмоқдалар.

Тарихда ва ҳаётий тажрибалардан маълумки, таълим соҳасида орқада бўлган мамлакат келажак авлод тараққиёти борасида ҳам орқада қолишлиги. Бу айниқса, бозор иқтисодиға ўтиш шароитида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ҳукумати буни теран ҳис этган ҳолда, 2001 йилдан таълим тизимида ислохотнинг иккинчи босқичиға ўтди.

Ўқув дастурларини яратиш чоғида қарор қабул қилиш масаласида қисман марказ тасарруфидан чиқариш жорий қилинди. Ҳозирги пайтда мактаб эҳтиёжлари ва ўқитиш услубиға тўлиқ жавоб берадиган дастурни танлаб олиши мумкин. Ҳар бир кишининг жамият аъзоси сифатидаги ролини тушуниб етувчи шахс тарбиясига, Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий меросини ўрганишға, шунингдек, юқори интеллектуал имкониятға эға бўлган иқтидорли болаларни тарбиялашға катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда таълим тизими мактабгача тарбия ёшидагиларни ўқитиш, бошланғич ва умумий, ундан сўнг бўлса, мажбурий ўрта махсус ва касбий таълимни қамраб олади. Олий маълумот ва илмий даража олиш таълим олишнинг кейинги поғоналари бўлиши мумкин. Бунға қўшимча сифатида ҳозирда аҳолининг катта ёшдаги қисмиға эҳтиёжлан келиб чиққан ҳолда узлуксиз таълим бериш дастури аналға оширилмоқда.

Бу борада муайян ижобий натижаларға эришилди. Янги муассасалар, шу жумладан, 14 та лицей ва 103 та касбий коллеж ташкил этилди. Барча мактаблардан ўқув сифатини мунтазам равишда назорат этилишини талаб етувчанлиги талаб меъёрлари белгиланди.

«Кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари - корхоналар, муассасалар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг

имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдалансин», дейди юртбошимиз.

Шунга асосан Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон ҳукуматиға мактабларға янги дарсликлар яратиш учун 40 млн. доллар миқдорда ва касбий ўқув муассасалар тармоғини тараққий эттириш учун 50млн. доллар миқдорда имтиёзли кредит ажратди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтда нисбатан юқори таълим даражаси билан ажралиб турарди, бунда таълим тизими жумласига мактабгача болалар муассасалари, ўрта мактаб, махсус хунар-техника бирлим юртйари ҳамда олий ўқув юртлари кирар эди. ғши катта аҳоли орасида саводхонлик даражаси 97%, ёши 25 дан катта бўлган ҳар бир кишининг таълим муддати ўртача олганда 10 йилни ташкил этарди. Аммо ўқитиш сифати билан боғлиқ бир қатор камчиликлар мавжуд эди, жумладан:

- тизим давлат режаси ва совет мафкурасига асосланган;
- таълим режали иқтисодийт шароитига мўлжалланган;
- таълим бериш дастури ўрта даражадаги талабага (ўқувчига) мўлжалланган;
- таълим бериш турлари пасив тингловчига мўлжалланган;
- ўқитувчининг дарс бериш услуби қаттиқ режа асосида ва кучли назорат остида бўлган;
- ўқув муассасаларидаги ўқитиш хоналари таълим бериш мақсадларига мувофиқ келмасди (8000 ўқув муассасаларининг ярмидан кўпи қайта жиҳозланган уй-жой биноларга жойлаштирилган эди, учдан бир-қисмидан зиёди бўлса, сув билан таъминланмаган, тахминан умумий мактабларнинг ўн фоизида иситиш ва канализация йўлга қўйилган эди).

Бундай шароитда мамлакатдаги маълумотли кишилар потенциалининг кўп қисми йўқолибгина қолмай, балки айниқса меҳнат бозорида ёшлар муаммолари билан боғлиқ бўлган ижтимоий кескинлик хавфи ҳам юзага

келар эди. Бизнинг фикримизча, ижтимоий сиёсатни юргизишда таълим масалалари уч асосий сабабга кўра муҳим аҳамиятга эгадир, жумладан:

- кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократияга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллар сирасини ташкил этади;

- таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисмини ташкил этади, ўзбек халқининг бой тафаккури ва маданий меросини тиклашда асос вазифасини ўтайди.

- таълим иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайди, кишиларга иқтисодиётда жиддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради.

Ўзбекистонда ўтиш даври таълим тизимини ислоҳ этишга доир бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Мақсад, тез ўсаётган ёш авлод талабларини қондириш ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини кўтариш керак. Назаримизда, бу борада бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур:

- мактабгача тарбия ёшидаги болалар таълими секторида «болалар» боғчаси-мактаб» кўринишидаги уйларидаги болалар боғчаси ва мажмуалари, шунингдек, санъат, мусиқа, чет тиллари ва компьютер саводи асослари билан шуғулланувчи гуруҳлар яратиш;

- янги типдаги ўқув муассасалари: лицей ва гимназиялар юзага келтириш.

Бунинг устига махсус таълим мактабларининг сонини, олий ўқув муассасаларининг сонини ўстириш:

- аҳолининг ёши катта қисмига таълим берувчи ва бизнес соҳасида, банк ишлари, солиқ солиш, тафтиши ўтказиш ва божхоналарни бошқариш, шунингдек, фермерлар учун махсус курсларни ўз ичига олувчи ўрта махсус ўқув муассасаларини қайта қуриш ишларини ташкил этиш;

- ўқувчиларни иқтисодга бозор муносабатлари нуқтаи назаридан ёндашишга ўргатиш, уларда мустақил ва тадбиркорликка тафаккур тарзини

ривожлантириш мақсадида дастурлар қайта кўриб чиқиш. Тарих, жўғрофия ва адабиётга оид курслар қайта ишлаб чиқиш;

- ҳар йили умумий мажбурий таълим олган 80 000 дан 100 000 гача ёшлар ишлаб чиқариш соҳаларига ёки касбсиз таълимини давом эттириши учун жалб этилмасдан қолмоқда. Берилаётган таълим сифати ва кўламини ўлчаш борасида муаммолар мавжуд. Таълим қамровига доир маълумотлар рўйхатга олинган болалар сонига асосланади, лекин уларнинг ўқув муассасаларидаги давоматини акс эттирмайди. Ҳар босқичда ўзаро мувофик таълим сифати меъёрлари ва уларнинг изчиллиги мавжуд эмас;

- дарслик тайёрлаш бўйича махсус дастурлар бўлишига қарамасдан ўқув кўлланмалари билан таъминлаш борасида муаммолар мавжуд: кўпчилик мактабларнинг кутубхоналари 70-75% га тўлдирилган ва бунинг натижаси ўлароқ, ўқувчилар ахборотдан «мутаносиб даражада фойдаланиш имконига эга эмас.

Кўпчилик мактабларда ўқув жиҳоз-ускуналари етишмайди, хусусан, кимё лабораториялари учун. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида, масалан, республикамиз шимолий вилоятларида кўп мактаб бинолари оддий шароитга эга эмас, балки аҳоли ўсиш суръатининг тезлиги ва ўсиб бораётган ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда мактабларда ўқишни икки сменада ташкил этишга тўғри келди.

Юқорида кўрсатилган ишларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрда 414-сонли қарор қабул қилдики, ушбу қарор асосида бир қанча молия вазирлиги томонидан йўриқномалар ишлаб чиқилди. Шу билан бир қаторда бюджет ташкилотларни маблағ билан таъминлашни янги тартиби жорий этилди. Бунга кўра бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини оширди:

- бюджет ташкилотлари маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратди;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳланган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият туриға кўра) маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини ташкил этди;

- бюджетдан маблағ билан таъминлашни бюджет ташкилотларининг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирға қўшиб олиб борилди;

- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини раҳбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бир қаторда, 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасини «Бюджет тизими тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонунға кўра бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлаш бюджет тузиш орқали режалаштириш, молиялаштириш ҳамда назорат этишни янада такомиллаштирилди.

Маълумки, қонунда бюджет тизимини бошқариш ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бюджет тизими турли даражада бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилари йиғиндиси бўлиб, унинг асосий тамойиллари мавжуд. Асосан бюджет таснифи, тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишини ягоналиги, бюджет тизимини Ўзбекистон Республика маъмурий-ҳудудий тузилишиға мувофиқлиги турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги, Давлат бюджети баланслиги, давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари бўйича режалаштириш ҳамда бюджет харажатларини бюджетда ажратилган тасдиқланган маблағ даражасида сарфлашдан иборат.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда мустақил ҳамдўстлик давлатлардан ўзгача молиялаштириш йўлга қўйилди. Айниқса, бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларида гуруҳлаб молиялаштириш ўзига хосдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили белгиланган муддатларда келгуси молия йилига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли бюджетлар ва давлат мақсадлӣ жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш, бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органларга ҳамда республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборади.

Маҳаллий ҳокимиятлар сўровномани олгандан кейин 3 кун муддати ичида тегишли бюджет лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартиби ва муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин 3 кун муддат ичида:

- тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун - туман ва шаҳар ҳокимларига;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун - Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч

кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларни тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун - шу туман ва шаҳар олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги -келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва жорий йилнинг ўнбешинчи сентябрига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

- республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича - тегишли молия органи томонидан сарфланади.

Қорақалпоғистон бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисоб варақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади. Қолдиқларнинг айланма касса меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда

тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ҳисоб варақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги керак ва унга бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисоб варақларига ўтказилади, капитал қўйилималарни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун - тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вадирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлари тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг ўн беш фоизига қадар кўпайтирилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қисқартиришга олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори, агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва бюджет харажатлари тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда тутилган бўлсагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджет харажатлари қисқартирилишига ва даромадлари кўпайишига олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикасп Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори қабул қилинган тақдирда ҳосил бўладиган ортиқча маблағлар мазкур қарор қабул қилинган даражадаги бюджетга маблағларни қайта тақсимлаш учун қонун ҳужжатларидан назарда тутилган тартибда олиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва молиявий бюджетидан молиялаштирадиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан - жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртма топширишни кўрсатган. Аслида умумтаълим мактабларини иш ҳақи фондини сентябр ойида синф хоналарини комплектлаш натижасида аниқланар эди. Бизнинг фикримизча, қонунни ўз вақтида ҳамда сифатли бажариш учун сентябр ойида мўлжалланган, режалаштирилган тадбирни май ойида ўтказишни ташкил этса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш юзасидан ислохотлар амалга оширилаётган шароитида, иқтисодий муносабатларнинг барча соҳасида бўлгани каби молия тизимида ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Молия тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджетларни шаклланиши ва харжатларидан янада самарали фойдаланиш, маҳаллий бюджетлар билан Республика бюджети ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириш, маҳаллий бюджетларни ижтимоий соҳаларни ривожланишидаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида унинг ижтимоий йўналишига катта эътибор берилмоқда. Бу эса жамиятдаги ижтимоий соҳани муҳим тармоқлари ҳисобланган таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлигини тақозо этади. Давлат бюджетидан амалга оширилаётган харажатларнинг асосий қисмини жойларга берилиши маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юзасидан ваколат ва масъулиятларини ошишига ва натижада ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштириш самарадорлигини оширишга олиб келади. Бундан ташқари иқтисодий ва социал жараёнлар таъсири маҳаллий бюджетлар харажатларида ёрқин акс этади. Аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, турар жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқ харажатлар ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш маҳаллий бюджетлар харажатининг асосий йўналишияи ташкил этмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги ролини ошириш бўйича чет эл тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон Республикасида бозор қтисодиётига ўтиш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки бу ислохотларнинг бюджет соҳасидаги пировард натижаси, маҳаллий бюджетларни бюджет жараёнларидаги аҳамиятини ошириш орқали

ижтимоий соҳаларни маблағ билан таъминлаш ва уларни ривожлантиришдан иборатдир.

Ижтимоий соҳани ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг аниқ йўналишини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш маориф ва соғлиқни сақлаш объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш, иш ҳақини ошириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам пулини кўпайтириш воситасида кучайтирилади.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги йилларда илдамроқ ўсиб боришига сабаб, асосан, 1995 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштириб келинган кадрлар, мутахассислар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув юрт харажатларини молиялаштирилишининг берилиши, 1995-2001 йиллар ичида эса давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмини ошиб бориши бўлди ҳамда бу даврда давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг кескин ошиб бориши ва бу харажатларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджетлар харажатлари салмоғининг ошишига олиб келган. Айниқса, ижтимоий соҳа харажатлари салмоғининг ошиб бориши маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва уларни молиялаштириш йўллари тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат бюджетининг ҳамда маҳаллий бюджетларнинг мамлакатни, жумладан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ортмоқда. Шу нарсани таъкидлашимиз зарурки, республикада ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар янада чуқурлашаётган даврда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия соҳасида ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Молия соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджетларнинг

шаклланиши ва харажатларидан янада самарали фойдаланиш, маҳаллий бюджетлар билан республика бюджети ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириш, маҳаллий бюджетларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тутган ўрни ошириш масалалари туради.

Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилаётган ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкам эмаслиги туфайли бюджет таъжиротларининг маблағларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қоплангани йўқ. Шу билан бирга бюджет муассасаларининг маблағ билан таъминланишини такомиллаштириш нафақат бюджетларнинг даромадларини кўпайтириш билан, балки молиялаштирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ҳам талаб қилади.

Ушбу тадқиқот давомида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда маҳаллий бюджетнинг роли, бу соҳаларни молиялаштириш амалиёти маълум белгиланган мавзу чегарасида таҳлил қилинди ва тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

- Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисобварағидаги бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимликларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин, деб кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра маҳаллий бюджетлар даромадларининг харажатдан ортган қисмини қўшимча харажатларга йўналтирилмоқда. Лекин ижтимоий объеклари асосан маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилишига қарамасдан маҳаллий бюджетлар даромадларининг харажатлардан ортган қисмини деярли жуда кам миқдори ёки умуман ижтимоий соҳа харажатларига йўналтирмаслик ҳолатлари мавжуд. Бизнинг фикримизча, ижтимоий соҳа харажатлари маҳаллий бюджет харажатларида юқори салмоққа эга эканлигини инобатга

олиб, маҳаллий бюджетлар даромадларининг харажатлардан ортган қисмини ижтимоий соҳа харажатларига йўналтириш лозим.

- Маҳаллий бюджетлар ҳудудларда ижтимоий соҳани сақлаш ва ривожлантиришда, миллий даромадни ишлаб чиқариш ва ноишлаб-чиқариш соҳалари ўртасида тақсимланишида ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўринни эгаллайди. Давлат ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсатини бевосита маҳаллий бюджетлар орқали устун равишда амалга ошириб бориши натижасида маҳаллий бюджет харажатларининг асосий қисмини ижтимоий-маданий ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари ташкил қилмоқда. Маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи бўлиб бормоқда. Аммо, Давлат бюджетидан ижтимоий соҳаларга ажратилаётган маблағнинг 84 фоизи маҳаллий бюджетлар ҳисобига тўғри келсада, маҳаллий бюджетлар харажатларининг Давлат бюджетидagi салмоғи 55,1 фоизни ташкил қилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда ва Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат бюджети томонидан амалга оширилаётган ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилиши сабабли жами давлат бюджети харажатлари таркибида маҳаллий бюджетлар салмоғини ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

- Вилоят маҳаллий ҳокимият органларини маҳаллий бюджет харажатларига ўзгартириш киритиш, яъни маориф ва соғлиқниқ сақлаш соҳаларига капитал таъмирлаш ва қаттиқ жихозлар сотиб олиш харажатлари учун ажратилган маблағларни марказлашган ҳолда молиялаштирилишига чек қўйиш. Бу харажатларни туман маҳаллий бюджетлари ихтиёрида қолдириш туман маҳаллий бюджетлари томонидан ижтимоий соҳа харажатларини тўлиқ молиялаштириш имкониятини беради ва ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари мустақиллигини кенгайтиради.

- Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан самарали фойдаланиб ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир.

Шунга кўра мазкур диссертацияни ёзиш жараёнида Англиянинг Гемпшир графлигининг молиявий фаолиятини ўрганилди. Графликда кам таъминланган оилаларга солиқлардан нафақа сифатида имтиёз берилади. Бунинг учун фуқаролар Графлик кенгашига ёрдам сўраб ариза билан мурожат қилиши лозим. Энг кам даромадга эга бўлган фуқароларга улар тўлайдиган солиқлардан 100 фоиз чегирма сифатида нафақа берилади ва бу ҳам ижтимоий хизмат тури ҳисобланиб, маҳаллий бюджетларни роли янада ошган ҳисобланади.

Юқоридаги усулдан фойдаланиб, республикамызда маҳаллий солиқларни тўлашни табақалаштиришни маҳаллалар орқали амалга ошириш мумкин. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўз-ўзини бошқариш органларини фуқароларни кам даромадли ва ночор қатламга маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан, жумладан, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан нафақа сифатида имтиёзлар бериш усулини амалиётда синаб кўриш лозим. Бу ҳам аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтиришнинг бир усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 414-сонли қарорига асосан юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларнинг қўшимча олган даромадларидан бюджетга ундириладиган солиқлардан озод қилиш муддати 2 йил қилиб белгиланган.

Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари банкларда ҳисобрақамини очиб, қўшимча даромад топиш манбааларини йўлга қўйгунга қадар бюджетга тўланадиган солиқлардан озод қилиш муддатини тугаганлиги уларни қўшимча даромад

олишга ва бюджетдан ажратилаётган маблағларни иқтисод қилинишига бўлган қизиқишини сусайтирмоқда. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет муассасаларининг асосий қисми маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли эканлигини ҳисобга олиб, солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш орқали ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга эришиш мумкин.

Ушбу фикр-мулоҳаза ва таклифларнинг эътиборга олиниши ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш билан боғлиқ масъулиятларини янада кучайтиришни ҳамда бюджет амалиёти самарадорлигини ошириш имконини беради деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.2010 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: 2013 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси.Т.: 2013 йил ноябр.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси 1995 йил 22 декабрь
5. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" 1996 йил 25 апрель
6. Ўзбекистон Республикасининг "Валюта бошқаруви тўғрисидаги қонуни" Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси 1993 йил 8 май

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2099-сонли қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги 1998 йил 10 ноябрдаги № 2107 сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2007 йил 19 сентябрдаги № 3923 сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 2 октябр, ПҚ-700-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2011 йил 28 ноябр, ПҚ-1652-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь,
13. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
14. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусида 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 19 январ.
15. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

- 16.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 17.Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 18.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. 19-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
- 19.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 20.Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 21.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
- 22.Каримов И.А. Мамлакатимзда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 23.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

IV. Асосий адабиётлар

- 24.Адик Ли. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Т.: -2004.
- 25.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия. 2007 й.
- 26.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия. 2008й.

- 27.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия. 2007 й.
- 28.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдават молияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия. 2009 й.
- 29.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. –Т.: Академнашр. 2011 й.
- 30.Додабоев Ю. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси бюджет жараёни. Қувасой 2003 йил.
- 31.Жўраев А. Солиқ-бюджет сиёсатининг бюджет ижросидаги аҳамияти. Бозор, пул ва кредит журнали, 2008 йил 1 сон.
- 32.Қосимова Г. Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлиги. Ўқув қўлланма. Т.: Молиява иқтисод, 2005 й.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 33.“Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” журнали. – Т.: 2011-2013 йиллар
- 34.“Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнал. – Т.: 2011-2013 йиллар.
- 35.“Бозор, пул ва кредит” журнал. –Т.: 2011-2013 йиллар
- 36.“Солиқ ва божхона хабарлари” газета. –Т.: 2011-2013 йиллар
- 37.Наманган вилояти Молия бошқармасининг 2011-2013 йиллар учун ҳисоботлари.

VI. Интернет сайтлари

- 38.<http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
- 39.<http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Қонунчилик портали)
- 40.<http://www.imce.ru>
- 41.[http://www. norma.uz](http://www.norma.uz)
- 42.www.minfin.ru
- 43.www.minzdrav.uz (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти)

44. www.mfer.uz

45. www.med.uz

46. www.darvoza.uz

47. www.businessvoc.ru